

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР АДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ”  
йўналиши**

**“ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО  
МУҲОФАЗАСИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2019**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябр 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

Фавкулудда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси  
институти п.ф.н., доцент Хусанова С.И., Назарова Н.Н

Ўқув -услугий мажмуа ТошДТУ Кенгашининг 2019йил 24 сентябрдаги  
1-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.

## МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур .....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	14
III. Назарий материаллар .....	21
IV. Амалий машғулот материаллари.....	68
V. Кейслар банки.....	71
VI. Глоссарий.....	76
VII. Адабиётлар рўйхати .....	81

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усуллари ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ўқув режасининг “Умуммутахассислик фанлари” блокига тегишли бўлиб, « Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув модулининг мақсад ва вазифалари асосида тайёрланган. Ўқув-услубий мажмуада модул мазмунини янги ахборот ва педагогик технологиялар асосида ёритишга хизмат қилувчи барча маълумотлар ўз ифодасини топган.

**“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг мақсади:**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси модули бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

**“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг вазифалари:**

➤ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш масалалари билан таништириш;

➤ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш;

➤ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга оид кўникмаларни шакллантириш.

## **МОДУЛ БЎЙИЧА БИЛИМЛАР, КЎНИКМАЛАР, МАЛАКАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

### **МОДУЛНИНГ ЎҚУВ РЕЖАДАГИ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ ВА УЗВИЙЛИГИ**

Модул мазмуни ўқув режадаги барча блоклар ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳаси муаммо ва вазифаларини педагогик жараёнга татбиқ этиш масалаларини ҳал этишга, шунингдек, соҳадаги янги техника ва технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

### **МОДУЛИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ**

Таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, илмий-техник тараққиётнинг тезда ўсиши “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг олий таълимдаги ўрнида ҳам акс этмоқда.

Модул “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда инновацион технологияларни яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва таълим сифатини тизимли ошириб боришга ёрдам беради. Дунё миқёсидаги объектив қонуниятларга асосланган ва ривожланаётган хавфлар, фавқулодда вазиятларнинг ҳуқуқий асослари, техноген турдаги фавқулодда вазиятлар уларнинг ўзига хослиги, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таъсир эҳтимоли, фуқароларни ҳаёти, атроф табиий муҳитга таҳдид солувчи муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, фуқароларни муҳофазасини таъминлашга қаратилган зарур амалий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалари, ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланишни

ўзлаштириш ва ўқув–тарбия жараёнида қўллаш ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.



### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулини ўзлаштириш орқали қуйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

#### **Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш;
- режалаштиришга қўйиладиган талабларни;
- терроризм тушунчаси, унинг салбий иллатлари ва унга қарши курашишни амалга ошириш усулларини;
- халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатларни;
- террористик ҳаракатларга қарши Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий база асослари ва жаҳон миқёсидаги унинг иштирокини;
- қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган ишларнинг моҳиятини;
- техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари ва сабабчи омиллари бўйича *билимларга эга бўлишлари лозим.*

#### **Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш;
- фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш;
- терроризмнинг салбий иллатлари ва уларга қарши курашишни амалга оширилиш усуллари;
- халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатлар;
- қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар;
- ҳар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар омилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услублари;
- техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари;
- муҳофаза тадбирларининг иқтисодий йўналишлари;
- гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган объектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар;
- аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳуқуқий меъёрий манбаларини назарий билиши, амалий таҳлил қилиши ва тадбиқ эта олиши бўйича керакли *кўникма* ҳосил қиладилар.

#### **Тингловчи:**

-фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш;

-ҳалқаро терроризм ва унга қарши курашда олиб бориладиган ҳаракатлар;

-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар;

-ҳар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар омилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услублари;

-техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари;

-гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган объектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш малакаларини эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш ва фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ва “Меҳнат муҳофазаси” ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳаси муаммо ва вазифаларини педагогик жараёнга татбиқ этиш

масалаларини ҳал этишга, шунингдек, соҳадаги янги техника ва технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

### Модулар бўйича соатлар тақсимоги

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш	8	2	2	4
2.	Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишда психологик тайёрлаш	4	2	2	
3.	Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳандислик -техник тадбирларини режалаштириш	4	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### **1-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш.**

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини ошириш, қутқарув ва тиклов ишларини ўтказишга куч ва воситаларни тайёрлаш ҳамда кўриладиган зарар ва талофотларнинг миқёсини камайтириш юзасидан бажариладиган вазифалар. Фуқаро муҳофазасини режалаштириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар ва таалуқли меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти. Бу борада мутахассислик фан ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари.

#### **2-мавзу: Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишда психологик тайёрлаш**

Психологик тайёргарликнинг асосий вазифалари. Ҳозирги вақтда аҳолини психологик тайёрлашнинг асосий усуллари. Психологик ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш йўллари. Руҳий ҳолатни зўриқиш даражалари.



### **3-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳандислик - техник тадбирларини режалаштириш.**

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаштириш меъёрларининг вазифалари ва талаблари. Муҳандислик муҳофазасининг меъёрий ҳужжатлари. Муҳофаза иншоотлари ва уларнинг таснифи. Иморатлар ва муҳандистик тармоқларга қўйиладиган талаблар. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси бўйича режалаштириш.**

Машғулотда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳудудларда, иқтисодиёт объектларида ишлаб чиқиладиган режалар очиқ берилади.

Маърузада баён этилган фикрларни мустаҳкамлаш мақсадида тингловчиларнинг тоифаларини инобатга олган ҳолда, ҳудудларда ёки объектларда ишлаб чиқиладиган режаларнинг бир қисмини ишлаб чиқиш топширилади.

### **2-амалий машғулот: Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга психологик тайёрлаш.**

Енгиллик-гимнастика машқлари. Нафас олиш-дам олишнинг бир усули. Тезлик билан тушириш усули. Енгиллик учун машқлар. Автоматик машқ қилиш машқлари.

### **3-амалий машғулот: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳандислик-техник тадбирларини ташкил этиш режалаштириш.**

Шикастланиш (заҳарланиш) ўчоқларида шароитга баҳо бериш, қарор қабул қилиш, муҳандислик-техник тадбирларини ташкил этиш ҳамда бошқа шошилиш ишлар ўтказиш учун вазифалар қўйиш тартибини ўргатиш.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**Мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш.** Кўчма машғулотни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида ўтказилиши кўзда тутилган.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **Машғулот жараёнида қўлланиладиган “Ақлий ҳужум” усули**

Ақлий ҳужум - (брейнсторминг – мия бўрони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш демакдир.

**Методнинг мақсади:** Ҳоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб боровчининг хатти-ҳаракати учун бу ҳоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ҳоялар таклиф қилишга ундайди.

Қоидалари: Имкони борича кўпроқ ҳояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.

Таълим берувчи Қатнашчиларни 3-4 гурҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади

-иштирокчиларни қўллаб қувватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ҳа-йўк сўзлари билан);

-юмшоқ, аммо астойдил тингловчиларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради;

-ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди;

-тингловчиларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тўсқинликни йўқотиш учун олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров) (Илова 2).

Фидбэйк -ҳар бир ҳояни муҳокама қилиш;

-энг тўғри ҳояларни қўллаб-қувватлаш.

Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ҳояларни топиш;

- ҳояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;

- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қоидасига амал қилиш.

Натижа:

- тингловчилар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир тингловчи фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яқка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг</li> </ul>

излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

**“Муаммоли вазият” методи**

Ушбу усулдан ўтказилган машғулотда олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин. Усулни машғулот жараёнида ёки уйга вазифа қилиб тингловчиларга беришда қўллаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги кўринишдаги жадвал тайёрланади ва ўтилган мавзу бўйича аниқ муаммоли вазият келтирилади.

**Мисол: Техноген фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари.**

<b>Вазият тури</b>	<b>Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетишда сизнинг ҳаракатларингиз</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетишда учрайдиган қийинчиликлар</b>
Автомобил тўқнашувига дуч келдингиз			

Тингловчи олган назарий ва амалий билимларига таянган ҳолда ушбу муаммоли вазиятга тушиб қолиш сабаблари, ушбу вазиятдан тўғри чиқиб кетиш йўллари берилган жадвалга киритади. Жадвал устунларини тўлдиришда барча фикрлар умумлаштирилади, улардан энг мувофиқи ва ҳар томонлама тўғри деб топилган жавобгина жадвалда кўрсатилади.

Бажарилган иш якунида жадвал қуйидаги кўринишга келиши мумкин:

<b>Вазият тури</b>	<b>Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетишда сизнинг ҳаракатларингиз</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетишда учрайдиган қийинчиликлар</b>
Автомобил тўқнашувига дуч келдингиз	Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаган ҳолда, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тезликни ошириш туфайли	Ўзингизни омон қолганлигингизга ишонч ҳосил қилиб, иложи борича автомобилдан ташқарига чиқишга ҳаракат қилиш, йўловчилардан ёрдам сўраш, тез тиббий ёрдамга қўнғироқ қилиш	Автомобилни эшиклари очилмай қолиши, ёнингиздаги йўловчи туфайли ҳаракат қилиш қийинлиги, руҳий ҳолат ва ҳ.к.

Ушбу усул орқали тингловчиларнинг юзага келиши мумкин бўлган турли муаммоли вазиятларни олдиндан кўра билишга, агарда содир бўлса ундан тўғри ҳаракатлар орқали чиқиб кетиш кўникмаси шакллантирилади. Бундан ташқари тингловчиларда ўтилган мавзу ва муаммоли вазият ечими бўйича турли ўзига хос янги фикрлар туғилиши, ўзлари тўғри деб ҳисоблаган айрим фикрларнинг хатолигига ишонч ҳосил қилишларини ҳам кузатиш мумкин.

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
-

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна.**

**Фикр:** хавфларни ўрганишда хавф-сабаб-оқибат тушунчалари бир-бири билан боғлиқликда бўлади.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Демак,

**Хавф**

**Сабаб**

**Оқибат**

Мана шу учта тушунчалар кўнгилсиз ходисанинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Кўнгилсиз ходисанинг оқибатлари турлари кўринишда бўлади. Масалан:



Мисолда оқибатга ҳаво транспортини яроқсиз ҳолга келиши, одамларнинг турли даражада жароҳат олиши, ўлим бўлиши, ёнғин чиқиши, портлаш юз бериши, бузилишлар, атроф-муҳитни зарарланиши ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар киради.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **“МУЛОҚОТ” технологияси.**

Ушбу технология талабаларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин баён этишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот талабаларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ўтказилади.

**Технологиянинг қўлланиши:** амалий, лабаратория, факультатив машғулотларда ва дарсдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланилиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

### **“ЧАРХПАЛАК” ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Ушбу технология талабаларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи



томонидан барча талим олувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Мазкур технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни талабалар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустақамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

### **Машғулотни ўтказиш тартиби:**

- гуруҳ аъзоларини (шароитга қараб) гуруҳларга ажратиш;
- гуруҳни машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништириш;
- тарқатма материалларни гуруҳ аъзоларига тарқатиш;
- гуруҳ аъзолари томонидан якка ҳолда мустақил равишда тарқатма материаллардаги вазифалар бажарилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалининг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизиб қўяди;
- вазифа бажарилган тарқатма материаллар бошқа гуруҳларга “чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади;
- янги гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гуруҳлараро алмаштирилади(ушбу жараён гуруҳлар сонига қараб давом эттирилади);
- материалларни охириги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлдирилган материалларни (гуруҳ рақами ва ўзлари қўйган белгилари асосида) танлаб оладилар;
- ҳар бир гуруҳ аъзосининг ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гуруҳ аъзоларининг тузатишларини такқослайдилар ва таҳлил қиладилар;
- ўқитувчининг тарқатма материалда берилган вазифаларини ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобларни белгилайди;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар фарқларини аниқлайдилар, керакли бални тўплайдилар ва ўз-ўзини баҳолайдилар.

## “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** таълим олувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради. **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**Фавқулодда вазиятларнинг эгаллаган майдонига кўра турлари» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Талофат кўламига нисбатан кетма-кетлиги	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Маҳаллий миқёсида					
Республика миқёсида					
Локал					
Трансчегаравий					

**«Фавқулодда вазиятларда талофат олган кишини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби кетма-кетлигини ифодалаб ўзингизни текшириб кўринг!»**

Белгиланган тартиб бўйича кетма-кетлигини	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Сезги аъзоларини текшириш					
Нутқини текшириш					
Қон томирлари бутунлигини текшириш					
Оғиз бўшлиғини текшириш					
Нафас олишини текшириш					

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш.**

##### **Режа:**

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режалари, уларнинг ишлаб чиқилиши ва мазмунига қўйиладиган асосий талаблар.

2. Тинчлик давридаги табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф қилиш ҳаракатлари режасининг тузилиши, бўлимлари ва иловаларнинг мазмуни.

**Таянч сўзлар:** тадбир, режа, меъёр, табиий, техноген, фуқаро муҳофазаси, иқтисодиёт объектлари, қонун, аниқ, реал, бошқарув органлари, ташкилотлар, вазифа, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, бартараф этиш.

### **1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режалари, уларнинг ишлаб чиқилиши ва мазмунига қўйиладиган асосий талаблар.**

Фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар ва таалуқли меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти. Бу борада мутахассислик фан ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонунларини амалда ишлаши ҳамда фуқаро муҳофазасининг асосий вазифаларини бажарилишини таъминлаш, фуқаро муҳофазаси (ФМ) режаси ва унинг мукамаллиги билан узвий боғлиқ.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режаси- бу қўйилган вазифаларни мувоффақиятли бажарилишига ёрдам бериши керак бўлган муҳофаза тадбирларининг олдиндан ишлаб чиқилган, асосланган, моддий таъминланган мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 8- моддасига асосан, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги (ФВВ)дир.

11-моддаси "Қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг ФВ муҳофаза қилиш" соҳасидаги мажбуриятларида қорхона ва ташкилотларда ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни ФВдан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштириш, молиялашлари ва амалга оширишлари шартлиги таъкидланган. Бу шунинг билдирадигани барча иқтисодиёт объектларида аҳолини ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирлари олдиндан режалаштирилган бўлиши керак. Режаларни мукамал ишлаб чиқиш орқали ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган қонун ва қарорларда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш мумкин.

ФВВ тўғрисидаги Низомнинг 4-моддасига асосан Фавқулодда вазиятлар (ФВ)ларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва манавий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек, тинчлик ва уруш вақтида ФВ

вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Низомнинг 5-моддасига асосан эса ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ: ФВВ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ФВ олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ташкил этади, Фавкулудда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига белгиланган тартибда тақдим этади дейилган. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига биноан, ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларининг жанговорлик ҳамда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди дейилган.

Аҳолини ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилишни режалаштириш- ФМни бошқариш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми. У тинчлик ва уруш даврлари шароитларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо беришдан, уруш вақтида аҳолини муҳофаза қилиш ва иқтисодиёт объектлари ва тармоқларининг чидамлигини ошириш юзасидан ФМ тадбирларини белгилашдан, авария-қутқариш ишларини ўтказишга куч ва воситаларни тайёрлашдан, улар фаолиятини ва бошқарув органларини ҳар томонлама таъминлашдан иборатдир. Бу тадбирлар бажарилиши учун керакли ресурслар ажратилади, амалга ошириш кетма-кетлиги, муддатлари, усуллари белгиланади ҳамда ФМ тадбирларини ўтказиш учун масъул кишилар тайинланади. Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар. Фуқаро муҳофазасининг тадбирлари ҳудудларнинг иқтисодий, табиий хусусиятларини, географик жойлашган ўрни ҳамда ФВ хавфи қанчалик аниқлигини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан режалаштирилади ва амалга оширилади.

ФМ нинг режаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- 1) Тўлиқ, мукамал ишланган бўлиши;
- 2) Мазмуни қисқа ва лўнда бўлиши;
- 3) Вақт ҳар томонлама қатъий ҳисобга олиниши;
- 4) Аниқ ва реал бажариладиган бўлиши;
- 5) Иқтисодий томондан мақбул бўлиши керак.

Режанинг мукамал тўлиқ ишланганлиги - аҳоли ва моддий бойликларни муҳофаза қилинишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини

ишлаб чиқилишини ва унинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун режада бажариладиган аниқ тадбирлар, уларнинг мазмуни, шакли, муддатлари ва бошқарувчилари кўрсатилади. Режа мазмуни қисқа бўлишлиги - режадаги тадбирлардан фойдаланиш осон бўлиши учун қилинади. Бунинг учун ҳамма бажариладиган тадбирлар график-схемалар тарзда амалга оширилади. Бунда схема-харидада объектлар, бажариладиган вазифалар ва уларнинг ҳажми шартли белгилар билан тасвирланади. Тушунтиришлар, жадваллар, схемалар, графиклар, суръатли белгилар тушунтириш хатлари орқали берилади.

Вақтни ҳар томонлама қатъий ҳисобга олиниши - режалаштирилган ҳар бир тадбирни тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

Режа аниқ ва реал бўлиши - режанинг бажарилиш даражасини характерлайди. Бунинг учун фалокат ва ҳалокат маълумотлари тўлиқ ўрганилади. Жумладан: вайроналиклар, талофот даражаси, моддий зарарлар миқёси олдиндан башоратланади, унинг оқибатларини йўқотиш учун керакли ФМнинг куч ва воситалари ҳисоблаб чиқилади.

Иқтисодий мақбуллик - ҳар қандай ФВда (тинчлик даврда ҳам, ҳарбий даврда ҳам) муҳофазаланиш иншоотларидан фойдаланишни ҳисобга олишдир.

ФМ режаси 4 та босқичли ишлардан ташкил топади:

1) биринчи босқичда режани тузишда иштирок этувчиларнинг таркиби, уларнинг малакаси аниқланади, улар тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатлар ўрганилади, тўпланган маълумотлар умумлаштирилади ва календар режа ишлаб чиқилади;

2) иккинчи босқичда режа амалда ишлаб чиқилади ва унинг ҳужжатлари тузилади;

3) учинчи босқичда бажариладиган ҳамма тадбирлар бир-бирига мослаштирилади, зарурат бўлса тузатилади ва тасдиқланади;

4) тўртинчи босқичда ҳамма режалаштирилган тадбирлар, тасдиқлангандан кейин (тасдиқланган режа) тегишли ижрочиларга етказилади.

ФМ режасини ишлаб чиқиш бевосита ФМ бошлиғига юклатилади, режа тадбирларини ишлаб чиқишда ФМ бўйича штатли ходимлар ишлари билан шуғунланувчи ҳайъат, ФМ тизимлари, эвакуатсия комиссияси ва иқтисодиёт тармоқларини етакчи мутахассислари иштирок этадилар.

**2. Тинчлик давридаги табиий ҳамда техноген хусусиятли  
фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф қилиш ҳаракатлари  
режасининг тузилиши, бўлимлари ва иловаларнинг мазмуни.**

Фуқаро муҳофазаси режасини ишлаб чиқишда керакли маълумотлар. ФМ режасини ва унинг иловаларини ишлаб чиқиш учун ФМ нинг юқори ташкилотлари ва бўлимларидан қуйидаги маълумотлар олиниши керак:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг фуқаро муҳофазасига оид қарор ва кўрсатмалари;

2) Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг низомлари, кўрсатмалари ва тавсиялари;

3) Иқтисодиёт тармоғи юқори органларининг кўрсатмалари ва тавсиялари;

4) Фуқаро муҳофазаси тизимларини, ундаги одамлар сони ҳамда аҳолини ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш имкониятлари хусусидаги маълумотлар;

5) Бошпаналарнинг сони, уларнинг одамларни қабул қилиш имкониятлари, ҳамда бошқа бошпаналар куриш имкониятлари;

6) Обектнинг хусусияти, унинг муҳофаза ва иқтисодий имконияти;

7) Тоифаланган шаҳарларга ФВ да ёрдам бериш имкониятлари;

8) Тоифаланган шаҳар иқтисодиёт тармоғларининг рўйхатлари:

а) ФВ да ўз ишини давом эттирадиган объектлар;

б) эвакуация қилинадиган объектлар.

9) Юқори хавфли ҳамда тасарруфида кимёвий, портлаш-ёнғин хавфи бор объектлар, КТЗМ ва заҳарли моддалар ташиладиган темир йўл магистраллари, аэропортлар ва бошқа объектлар рўйхати.

10) Хавфли ҳудудлардаги аҳоли пунктлари ҳақидаги маълумотлар.

11) ФМ вазифаларини бажарилишига таъсир этадиган маҳаллий, хусусиятли маълумотлар (ҳудуднинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити);

12) Фавқулудда вазиятлардан чиқариладиган хулосалар.

ФМ режасини тузишда Республикада фаолият кўрсатаётган барча тармоқ ва корхоналар ўз маълумотлари билан бир-бирларини таъминлашлари керак. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорида таъкидлаб ўтилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Ўзсаноатконтехназорат» давлат кўмитаси, Фанлар Академияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинд компанияси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва «Бошгидромет» бошқармаси Фавқулудда Вазиятлар вазирлигининг ҳудудлар, объектлардаги табиий иқлим, экологик,

эпидемиологик, эпизоотик, эпифитотик, геологик ва техноген вазиятлар ҳамда уларнинг истикболдаги ўзгариш эҳтимоллари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида, мунтазам равишда таъминлашлари лозим деб таъкидланган.

ФМ режаларини ишлаб чиқишда ва бажаришда ФМ кучларига катта эътибор берилади. Масалан, авария-қутқариш ишларини режалаштиришда қуйидаги тартибдаги вазифалар белгиланади:

а) шикастланган ўчоқларни ва офат жойларини разведка қилиш, қидирув-қутқарув ишлари комплексини ўтказиш;

б) аҳолини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ва иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш тадбирлари;

в) зарарланган аҳолини ҳаёт фаолиятини ташкил қилиш, ҳалок бўлганларни ҳисобга олиш ва қўмиш, ярадорларни касалхонага ётқизиш;

г) карантин-обсервация, санитар-гигиеник, эпидемияга қарши тадбирлар;

д) маҳаллий органлар билан ҳамкорлик қилиш.

Аҳолини, моддий-маданий бойликларни эвакуация қилиш тадбирларни режалаштиришда:

- Шикастланган ҳудудлардан транспорт ёки пиёда олиб чиқиладиган аҳолининг сонини;

- Зарур бўладиган транспорт сонини;

- Одамларнинг транспортда олиб чиқиш тартиби;

- Қимматбаҳо ускуналар, моддий бойликлар, озик-овқатларни олиб чиқиш тартиби;

- Хом-ашёлар, ўғитлар ва бошқа керакли моддий ресурсларни хавфли ҳудудлардан олиб чиқиш тартиблари;

- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини хавфли ҳудуддан хавфсиз ҳудудга узоқлаштириш тартиб қоидалари ва бошқа вазифалар белгиланади.

Фуқаро муҳофазасини бошқа тадбирларини режалаштиришда ҳам муайян тартибдаги вазифалар белгиланади. Албатта, буларда ҳар бир қилинадиган амал тадбирнинг моҳиятидан, хусусиятидан ва имкониятлардан келиб чиқиб, режа тадбирлари белгиланади. Ҳар бир ҳолат учун тузилган ФМ режалари ФВВ га тақдим этилиши зарур. Мабодо тузилган режаларга ўзгартиришлар киритиш керак бўлса, йилнинг биринчи чораги давомида киритилади. Режа икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси объектнинг бошқариш пунктида, иккинчиси юқори ташкилотларда сақланади.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш ФВ натижасида юзага келиши эҳтимоли бўлган шароитни олдиндан илмий башоратлашга, ФМ тараққиётида эришилган



даражага, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг аҳволи ва истиқболларига таянган бўлиши керак.

Режалаштиришдан асосий мақсад ФВ юзага келган ҳолда, шунингдек табиий офатлар, йирик авария ва ҳалокатлар оқибатларини тугатишда аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишдан иборат.

### **Назорат саволлар:**

1. Фуқаро муҳофазаси режаси нима мақсадда тузилади?
2. Фуқаро муҳофазаси режаларини қайси ташкилотлар тасдиқлайди?
3. Фуқаро муҳофазаси режаларига қандай талаблар қўйилади?
4. Режани тузиш босқичлари қандай?
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорида нималар таъкидланган?
6. Нима учун режага тузатишлар киритилади?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012 й, 40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 й, 31-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:
  - а) Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида. 1999 йил 20 август;
  - б) Фуқаро муҳофазаси тўғрисида. 2000 йил 26 май;
  - в) Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида. 1999 йил 19 август;
  - г) Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида. 1999 йил 20 август;
  - д) Радиациявий хавфсизлик тўғрисида. 2000 йил 31 август;
  - е) Терроризмга қарши кураш тўғрисида. 2000 йил 15 декабрь;
  - ё) Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида. 2006 йил 28 сентябрь;
  - ж) Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида. 2008 йил 26 декабрь;
  - з) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида. 2009 йил 15 декабрь;

и) «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида. 2010 йил 17 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида (2007 йил 19 февраль, ПҚ-585-сонли).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

- а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида (1996 йил 11 апрель, 143-сонли);
  - б) Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида (1998 йил 7 октябрь, 427-сонли);
  - в) Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида (1998 йил 27 октябрь, 455-сонли);
  - г) Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (2003 йил 13 январь, 15-сонли);
  - д) «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида (2008 йил 10 декабрь, 271-сонли);
  - е) Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида (2010 йил 5 январь, 2-сонли);
  - ё) Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2011 йил 8 июль, 202-сонли);
  - ж) Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида (2011 йил 19 июль, 208-сонли).
- з) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида (2011 йил 24 август, 242-сонли);

6. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири-Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 26.12.2008 йилдаги 3-сонли буйруғи: «Вазирлик ва идоралар ўртасида фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича кундалик ўзаро ҳамкорлик ва ахборот бериш йўриқномасини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида».

7. ЎР ФВВ ФМИда ишлаб чиқилган давлат стандартлари.

## **2-мавзу: Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга психологик тайёрлаш.**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Психологик тайёргарликнинг асосий вазифалари.
- 2.2. Психологик ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш йўллари.

**Таянч иборалар:** стресс, дистресс, стрессорлар, тормозловчи, кўзғатувчи, зўриқиш, хавотир, кўркув, ваҳима, релаксация машқлари.

### **2.1. Психологик тайёргарликнинг вазифалари.**

Инсоннинг фавқулодда вазиятлар шароитига тушиб қолиши ҳамisha унинг руҳиятига оғир таъсир қилиниши билан боғлиқ. Тиббий статистика маълумотларига қараганда, ҳалокатли фавқулодда вазиятлардан сўнг кўпчилик одамлар оғир руҳий жароҳат олишади ва кейинчалик руҳий тикланиш (реабилитация)га муҳтож бўлишади. Бундай шароитда улардан фуқаро муҳофазаси тизимида ўқиш жараёнида олган билим ва малакаларини оқилона ва тўла қўллай олишларини кутиш қийин. Одамларнинг фавқулодда вазиятлар чоғида ўзларини тутишларини таҳлил қилиш натижалари руҳиятнинг ўзгариши кўп ҳолларда тайёргарликдан ўтмаганлар орасида бўлишини кўрсатмоқда. Демак, фавқулодда вазиятлар инсонни саросимага солиб қўймаслиги учун уни ушбу вазиятларга тайёрлаш лозим. Бунда аҳолини руҳий тайёрлаш биринчи ўринда туради. Қўйилган вазифаларни сифатли амалга ошириш учун аҳоли олдиндан бўлиши мумкин бўлган стресс ҳолатига, уни енгиб ўтишга руҳан тайёр бўлиши ҳамда стресснинг олдини олиш машқларини ўтказиш лозим.

Руҳий тайёргарлик - бу одамларда руҳан чидамликни шакллантириш ёки қўйилган вазифаларни бажариш, хавфли вазиятларда фидокорона ҳаракат қилиш қобилиятини кучайтиришдаги хислатларини ҳосил қилиш демакдир.

Руҳий тайёргарликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг турли тоифаларида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш чоғида юқори руҳий барқарорликни ишлаб чиқиш.
2. Ҳар бир фуқарода фавқулодда вазиятлар юз берган дамда жабрланганларга ихтиёрий фурсатда ёрдамга келишга шайликни тарбиялаш.
3. Аҳолининг турли тоифаларида содир бўлиши эҳтимол бўлган барча фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишга ирода ва малакани тарбиялаш.
4. Қутқарувчиларда жабрланувчиларга кўмаклашишга, уларни қутқариб олишга доимий шайлик, инсонпарварликни шакллантириш.

5. Раҳбарлар таркибида юқори маънавий-руҳий сифатларни шакллантириш ва аҳолини ғавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга шайлик ва ўзига бўлган ишончни тарбиялаш.

Йирик табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар, уларда кўп сонли аҳолининг жабрланиши, экологик ва психопатологик оқибатлари билан характерланади.

Руҳий жараёнлар руҳий фаолиятнинг асосини ташкил этади ва фаолиятнинг динамик тасвири ҳисобланади. Уларсиз билимлар шаклланмайди ва ҳаётини тажриба орттирилмайди. Англаш, ҳиссий ва иродавий руҳий жараёнлар ажратилади.

Ғавқулодда вазиятларнинг психологик ва психиатрик жиҳатлари. Ҳар қандай табиий офат, авария, ҳалокатлар уларнинг оқибатларини бартараф этиш хавф ва қурбонлар билан катта жисмоний, ахлоқий психологик зўриқишлар билан боғлиқдир. Ғавқулодда вазиятларда психик ўзгаришлар муаммоси оммавий ҳалокатлар ва табиий офатларнинг тез-тез содир бўлаётганлиги сабабли янада муҳимлиги ортиб бормоқда. Нафақат психик касалликларга йўналтирилган масала, балки инсонни экстремал ҳолатларда ҳаёт фаолияти, мослашиши ва стресс муаммолари билан боғлиқ бўлган психик соғломликнинг тиббий жиҳатларини ўрганиш масаласи ҳам бор. Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда аҳолини ўқитиш, шуғуллантириш, мутахассис кутқарувчиларни касбий тайёрлаш билан бир қаторда ихтисослаштирилган психиатрик ёрдамни ташкил этиш жуда муҳимдир.

Экстремал ҳолатлардаги психопатологик бузилишлар оддий ҳолатдаги бузилишларга жуда ўхшайди. Аммо бир қанча фарқлар ҳам мавжуддир:

Биринчидан, психик жароҳатловчи омилларнинг кўплиги натижасида бу бузилишларда бирданига кўпчилик одамларда кузатилади;

Иккинчидан, бу бузилишларнинг клиник кўриниши индивидуал характерда бўлмай, типик кўринишларда намоён бўлади. Бу ерда ўзига хослик шундаки, жабрланувчи табиий офат оқибатлари билан яқинларининг ва ўзининг омон қолиши учун фаол курашишни давом эттиришга мажбур бўлади. Бузилишларнинг вариантлари ва клиник формаларини таққослаб кўриб чиқиш, уларни кўплаб неврозсимон ва психопатсимон ҳолатлардан ажратиш мутахассис кузатувини, таҳлилини ҳамда параклиник тадқиқотларни, жабрланувчи аҳолини динамикада баҳоланишини талаб этади.

Ғавқулодда вазиятларнинг у ёки бу психик шикастловчи таъсирига дучор бўлган шахсларга ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари қуйидагича: ортга қолдирмаслик, ҳодиса жойига яқинлик, нормал ҳолатга келишини кутиш, психологик даволовчи таъсирнинг оддийлиги, соддалиги ва бир

хиллиги, стрессни ечиш учун дебрифинг (чалғитиб кўриш)лар ўтказиш керак бўлади.

Фавқулодда вазиятларда психологик таъсир ўтказиш омиллари ва уларнинг кўриниши. Инсонни фавқулодда вазиятларда салбий ҳатти-ҳаракат қилишининг асосий сабабларидан бири, унинг индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, хавфнинг тўсатдан пайдо бўлиши: авария, ҳалокат, табиий офат оқибатларини ва характерини билмаслиги, бундай ҳолатда ўзини қандай тутишдан беҳабарлиги, ўқув ва тажрибаси йўқлиги, социал, психик, жисмоний ҳолатлар билан боғлиқ стресс ҳолатлари, ахлоқий-руҳий тайёргарликдир. Инсоннинг таҳдид давридаги ўзини тутиши бир хил эмас. Баъзиларда хавф депрессия, тушкунлик, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлик билан кечса, бошқа одамларда асабийлашиш, фикрлаш ва ҳаракатланиш тарқоқлиги, психоэмоционал бузилишлар, аффектив-шок ва руҳий касаллик билан кечиши мумкин. Фавқулодда вазиятларда жамоат таъсирчанлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, инсонларнинг ўз-ўзини бошқариши, ахлоқий устунларнинг қулаши, одатий ҳолатда инсон юзага чиқармайдиган ички туртки сезгиларининг юзага чиқиши, айниқса, ҳаммада шундай бўлапти-ку деган тушунча пайдо бўлганида вужудга келади.

Ҳозирги вақтда аҳолини психологик тайёрлашнинг асосий усуллари ва шакллари сифатида қуйидагилар амалга оширилади:

Фуқаро муҳофазаси ташвиқоти – унинг зарурлиги, давлат ва фуқаролар учун аҳамияти;

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш ишларини сифатли амалга оширганлиги учун фуқаро муҳофазаси ташкилотлари шахсий таркибининг фахрланиши;

Жамоатда соғлом ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва сақлаш; шахсий таркибда қўйилган масалани бажаришга ишончни, ўзини ҳимоя қилишни таъминловчи механизмлар ва ҳимоя воситаларининг самарадорлигига шубҳасиз ишонишни тарбиялаш; ёшларга яхши кўникмага эга бўлганлардан устоз-мураббийликни, тажрибаларини ўргатишни йўлга қўйиш;

Шахсий таркибнинг мавжуд бўлган хавф – хатарнинг юқори шароитларда шахсий тайёргарликка эга бўлганлигини таъминлаш.

Бундай маълумотлар жараёнида руҳий-асабий ҳамда жисмоний зўриқишларни енгиб ўта олиш кўникмалари ва қобилияти шаклланади.

Фавқулодда вазиятлар содир бўлиши хавфи юзага келганида шахснинг психологик мустаҳкамлиги, бардошини баҳоловчи мезонлардан бири бўлиб психодиагностика саналади. Психодиагностика руҳий портлаш ҳолатларини ва унинг юзага келиши мумкин бўлган шакллари аввалдан башорат қилиш

имконини беради.шуларга асосланган ҳолда таъсир қилишнинг, тайёргарлик ва ўқитишнинг профилактик яъни олдини олиш чораларини шакллантириш зарур.

Руҳий статуси, яъни ҳолатни баҳолаш учун шахсни ҳар томонлама кенг тармоқли ўрганиш услубини қўллаш зарур. Шахсият ва реактив ҳавотирланиш даражасини аниқлаш учун Ч.Д. Спилберг сўровномаси ва худди А. Эткинднинг АРТси каби (ЦТО – цветовой тест определения). М. Люшернинг саккиз хилли рангга асосланган тести.

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига номзодлар танлаб олишда қуйидаги шахсий сифатларига аҳамият берилиши керак:

- мос келувчи маълумотга эгаллиги;
- ҳазил-мутойиба ҳисси;
- ҳамдардлик қийинчилигини енгиб ўта олиши;
- бир тилдан кўпроқ тилда гаплаша олиши;
- команда бўлиб ишлай олиши;
- атрофдагилар билан чиқишимлиги;
- раҳбарлик қобилияти, атрофдагиларни қизиқтира олиши;
- оғир вазиятларда хотиржамликни сақлай олиш қобилияти;
- маданий урф-одат масалаларида ҳурмат билан ёндошиш;
- етуклиги, эмоционал бардоши;
- жинсга тааллуқли масалаларда қарашларининг юқори маънавий даражасидалиги;
- қийинчиликларни енгиб ўта олиши;
- касбий чегарани сақлаш билиши;
- фавқулудда вазиятларда ёрдам бериш зарурати мавжудлигини тушуна олиши;
- зудлик билан ечимга келиши;
- диний, маданий қадриятларга муносабати;
- ўзини янгилай билиш хулқи (“бетартибликда гуллаш оладиган” ва “ўзини қайта янгиловчи” инсонлар тоифаси).

Номзодлар ўзига ва бошқаларга ёрдам беришнинг энг оддий психологик кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

## **2.2. Психологик ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш йўллари.**

**Стресс** – ҳайвонот ва инсон организмида турли ноҳуш омиллар (стрессорлар) таъсирига жавобан юзага келувчи физиологик ҳимоя реакциялари мажмуидир. Инглиз тилидан таржима қилинганда “стресс” сўзи “босим, зўриқиш” маъноларини англатади.

Стресс инсонга бутун ҳаёти давомида ҳамкорлик қилади. Ҳаётда стрессли вазиятларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Аммо ҳар бир инсон стрессга

турлича муносабат билдиради. У тарбия, характернинг шахсий қирралари, темперамент, генетик мойиллик, қийинчиликлар, хавф-хатар, шароитнинг тўсатдан мураккаблашиб кетиши ва ҳатто овқатланишга, қийинчиликларга рухий тайёрликка боғлиқ бўлади. Мана нима учун кимдир стрессга нисбатан барқарор бўлади, кимдадир стресс таъсирида гипертония, ошқозон яраси ёки асаб бузилиши каби касалликлар юзага келиши мумкин.

Стресс аниқ бир критик даражага етмагунча организмга ижобий таъсир қилади (организмни сафарбар қилади ва юзага келган тўсиқларни ошиб ўтишга ундайди). Бу кўрсаткичдан ошиб ўтилгандан сўнг организмда гиперсафарбарлик деб аталувчи жараён ривожланади, у ўзи билан ўз-ўзини бошқариш ва фаолият натижаларининг пасайишини келтириб чиқаради. Шу сабабли критик кўрсаткичдан катта стресс ҳолатини айрим вақтларда дистресс деб ҳам аталади.

**Дистресс** – организмнинг унга ўта нохуш, “чегарадан чиқиб кетган” таъсир кўрсатилган вақтдаги патологик ҳолати.

Дистресснинг икки турини ажратиш мумкин: тормозловчи ва кўзғатувчи.

**Тормозловчи тур** – ҳаракатларнинг секинлашуви ва эпсизлиги билан тавсифланади. Инсон аввалги эпчиллиги билан ҳаракат қила олмайди. Жавоб реакцияларининг тезлиги пасаяди. Ақлий жараён сустлашади, тинч ҳолатда ушбу инсонга хос бўлмаган хотира ёмонлашуви, ҳардамхаёллик ва бошқа салбий белгилар намоён бўлади.

**Кўзғатувчи тур** – гиперфаоллик, кўп гапириш, қўл ва овознинг титраши билан намоён бўлади. Масалан, операторлар кўп сонли, ушбу ҳолат талаб қилмаган ҳаракатларни амалга оширадидлар. Улар ускуналар ҳолатини текширадидлар, кийимларини тўғрилайдидлар, қўлларини ишқалайдидлар, атрофдагилар билан мулоқатда бўлганда жиртаки, кўпол, тажанг, аразчи бўлиб қоладидлар.

Рухий ҳолатни зўриқиш даражалари бўйича кўриб чиқамиз, чунки айнан шу белги фаолиятнинг самарали ва хавфсиз бўлиш ҳолати нуқтаи назаридан аҳамиятга молик.

**Меъёрий зўриқиш** – меъёрий ҳолат. У рухий фаоллик ҳолати бўлиб, ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун зарур шартлардан бири. У организм физиологик реакцияларининг бир текис ва ишонч билан амалга оширилиши билан кечади. Меъёрий зўриқиш оптимал режимда амалга ошириладиган ишга тенг бўлади.

**Кучайтирилган зўриқиш** – хавфли вазиятларда кечадиган фаолиятни билдиради. Хавфли вазиятлар – инсондан физиологик меъёр чегарасидан

кескин чиқувчи физиологик ва руҳий вазифаларни максимал кучайтиришни талаб қилувчи шароит.

Зўриқиш касбий фаолиятга жалб қилинган ва ўзгариши нохуш шароитларда кўпроқ намоён бўладиган руҳий вазифаларга мувофиқ таснифланиши мумкин.

**Ақлий зўриқиш** – хизмат кўрсатиш режаларини шакллантиришда ақлий жараёнларга тез-тез муурожаат қилинишидан келиб чиққан зўриқиш.

**Сенсор зўриқиш** – сенсор ва перцептив тизимлари фаолиятининг нооптимал шароитлари билан келтириб чиқарилган ва зарур ахборотни қабул қилиб олишда катта қийинчиликлар туғилганда юзага келадиган зўриқиш.

**Монотония** – амалга ошириладиган ҳаракатларнинг бир хиллиги, диққатни бўлишнинг иложи йўқлиги, уни бир нарсага жалб қилишда ҳам, барқарорлигига ҳам талабнинг оширилганлиги билан келиб чиққан зўриқиш.

**Политония** – диққатни тез-тез ва қутилмаган йўналишларда бўлиш зарурлигидан келиб чиққан зўриқиш.

**Жисмоний зўриқиш** – инсоннинг ҳаракат тизимига катта юклама тушишидан келиб чиққан зўриқиш.

**Ҳиссий (эмоциональ) зўриқиш** – низоли шароитлар, аварияли вазият юзага келиш эҳтимоллиги ошганлиги, бошқа турларнинг тўсатдан содир бўлиши ёки узок зўриқиш туфайли келиб чиққан зўриқиш.

**Кутиш зўриқиши** – фаолият тўхтатилган вақтда ишчи аъзоларни шайлик ҳолатида тутиш зарурлигидан келиб чиққан зўриқиш.

**Мотивацияли зўриқиш** – қарор қабул қилиш учун мезонларни танлаш, важ-сабаблар курашуви билан боғлиқ зўриқиш.

**Хориш-чарчаш** – узок меҳнат қилиш натижасида келиб чиққан меҳнат қобилиятининг вақтинчалик пасайиши билан боғлиқ зўриқиш.

Инсон, шунингдек ҳаддан ортиқ ташвишланиш ва нотўғри ҳиссиётнинг ривожланишидан ҳам жабрланиши мумкин.

Одамларнинг ҳиссий барқарорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мумкин ва зарур. Қийинчиликларга, хавф-хатарга, шароитнинг тўсатдан мураккабланишига руҳий тайёргарликдан ташқари, инсоннинг кучли стресс ҳолатига бўлган шахсий реакцияси ва руҳий чидаи унинг ғоявий ишончи, дунёқараши, қизиқишларига, масаланинг қандай қўйилганлигига, бурч, масъулият, биродарлик ҳиссига ҳам боғлиқ.

Ҳиссиётнинг кучли қўзғалишида биринчи навбатда ақлий фаолият – вазиятни баҳолаш ва қарор қабул қилиш - қийинлашади. Стрессга нисбатан руҳий барқарорликни чиниқтириш айнан ана шу энг бўш, заиф бўғинга қаратилиши ва икки йўналиш бўйича олиб борилиши керак. 1-йўналиш – аввалдан зарур қарорларни тайёрлаб қўйиш ва зарур ҳаракатларни ишлаб



чиқиш; 2-йўналиш – тингловчиларнинг шароит бирдан ўзгарган вақтда тез қарор қабул қилишда фикрлаш қобилиятларини махсус машқлар ёрдамида ошириш, яъни уларда “ноодатий ҳолга кўникиш”ни ҳосил қилиш.

Ҳаётда учраши мумкин бўлган қийинчиликларга тайёргарликни оширишнинг фойдали усулларида бири вазиятни тасаввур қилишдир. Турли вазиятлардаги ҳаракатларни тасаввур қила олиш (ўйлаб топиш)га бирданига эришиб бўлмайди. Кўп ҳолларда тасаввур қила олиш унга бўлган муносабатга, муҳимлиги ва самарадорлигини тушунишга, шунингдек ўзига нисбатан талабчанлик даражасига боғлиқ бўлади.

Зарур билимларнинг мавжуд эмаслиги, руҳий тайёргарликнинг етарлича эмаслиги оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу фикрларнинг ёрқин мисоли сифатида француз врачлари А.Бомбернинг тадқиқотларини келтириш мумкин. У кема ҳалокатга учраган вазиятларда қутқарув воситаларига чиқиб ҳалок бўлганлардан (улар сони ҳар йили 150 минг кишини ташкил этади) 90% нинг ўлимига очлик, совуқ ёки ташналик эмас, балки бундай шароитларда яшай олишни билмаслик, кўрқув ва ўз кучига ишонмаслик сабаб бўлишини исботлаган.

Қийинчиликлар билан курашиш ва уларни енгиб ўтишгина иродани ва характерни чиниқтиради, хавфли вазиятларга тайёргарликда муваффақиятга олиб келади.

Хавфли ёки ҳаётга таҳдид солувчи вазиятлар олдидаги ҳадик, кўрқув инсоннинг табиий ҳиссиёти ҳисобланади. Бироқ, бир ҳолатда ўзини муҳофаза қилиш таҳдид солувчи ҳолатдан ва ташқи муҳит омилларидан қочишда белгиланса, бошқа ҳолда кўрқув хиссини онгли равишда ва фаол енгиб ўтиш ҳамда ишонч билан хавфга қарши боришда билинади.

Кўрқув воқеанинг тўсатдан содир бўлиши билан ошиб кетса, ноаниқлик хавотирланиш ва ҳадикни келтириб чиқаради.

**Хавотир** – хавф-хатарни сезиш, хавфсираш ҳолати. Одатда хавотирланиш ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қандайдир бир воқеанинг содир бўлиши кутилаётган вақтда намоён бўлади.

**Кўрқув** – қандайдир тасаввурдаги ёки ҳақиқий хавфдан қайғуриш. У ўзини ўзи сақлаш инстинктига асосланган, муҳофаза хусусиятига эга ва томир уриши ва нафас олиш частотасига, артериал босим кўрсаткичларига таъсир қилади. Кўрқувнинг функцияси бўлажак хавфдан огоҳлантириш, уни четлаб ўтиш йўллари топишга ундашдир.

“Ҳеч нимадан кўрқмайдиган” одам бўлмайди. Ҳамма гап саросима хиссини енгиб ўтиш учун, тўғри қарорга келиб, ҳаракат қила бошлаш учун керак бўладиган вақтда. Шошилиш вазиятга тайёргарлик кўрган одамда бу

анчагина тез бўлади. Тайёргарлиги йўқ кишида эса ҳаракатсизлик, ҳовлиқиш узок вақт сақланиб туради-да, руҳият бузилишини кучайтириб юборади.

Ҳаётига хавф таҳдид солаётган шароитларда инсондаги кўркувни назоратли ва назоратсиз кўркувларга бўлиш мумкин.

Машҳур саёҳатчи ва журналист В.Бонатти фикрича, “Кўркувингни назорат қиляпсанми, демак, дуч келишинг мумкин бўлган хавфни англаб турибсан, у билан тўқнаш келмасликка ҳаракат қиляпсан. Бу ҳолда доимо вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топасан. Назоратдан чиқиб кетган кўркув эса ваҳиманинг ўзидир”.

Хавф-хатарга бир неча марталаб дучор бўлган таниқли сайёҳ Э.Бишоннинг фикрича, хавфли шароитда назоратсиз кўркув энг чиникқан пахлавонни “аянчли бўшангга ёки энг расво ҳайвонга айлантириб қўйиши” мумкин. Ва аксинча, бундай кўркув бўлмаса, ҳатто “чалажон қилтириқ одам ҳам ўзининг маънавий чидами туфайли қаҳрамон бўлиб кетиши мумкин”.

Назоратсиз кўркув ўзига нисбатан, билимлари, қобилиятларига нисбатан ишончсизликдан гувоҳлик беради. У ваҳимага олиб келади. Ваҳиманинг олдини олиш учун эса ёлғон миш-мишларнинг олдини олиш, ваҳимачи “йўлбошчи”ларга нисбатан қаттиққўл бўлиш, одамларнинг эътиборини, энергиясини қутқарув ва бошқа ишларга жалб қилиш лозим.

Кўркувнинг турли кўринишлари мавжуд (хавфсираш, чўчиш, ҳадиксираш, даҳшатга тушиш).

**Чўчиш** – шартсиз рефлексорли “кўкқисдан кўркиш”.

**Ҳадик** - хавф-хатарни доимий сезиш. У секин-асталик билан юзага келади ва узокроқ давом этади.

**Даҳшат** – кўркувнинг энг кучли даражаси ва кўркувнинг онг устидан ғалабаси.

**Ваҳима** – одамлар гуруҳини қамраб олган кўркув ҳисси. Унинг биологик механизми рефлекснинг фаол-ҳимояланиш туридан иборат; у ҳам инсон фаолиятида салбий ҳолда намоён бўлади. Бу ҳолда кўркув аффект кучига эришиб, қочиш, қотиб қолиш, ҳимояловчи агрессияга ундаши мумкин.

Соғлиғи ва ҳаёти муҳофаза воситаларининг қўлланилиши билан ишончли таъминлангани ҳамда назорат тизими билан кафолатланганлигига бўлган ишонч инсонни ўзига юклатилган вазифаларни янада қатъийроқ бажаришга ундайди, ушбу шароитда олиб борилаётган ишларнинг хавфсизлигига ишончни мустаҳкамлайди. Хавфли вазиятларда инсон турли руҳий жароҳат берувчи омиллар таъсирига учрайди, улар ҳаётга бевосита хавф, ёки шу хавфнинг кутилиши (эҳтимоли) билан асосланган бўлиши мумкин.

Хавфли вазиятлардаги рухий ўзгаришларни кузатиш, шунингдек кутқарув, ижтимоий ва тиббий тадбирларни таҳлил қилиш схематик равишда 3 та даврни ажратиш имконини беради, уларда турли рухий бузилишлар кузатилади.

Биринчи (ўткир) давр – тўсатдан ўз шахсий ҳаётига хавфнинг пайдо бўлиши ва яқинларининг ўлими билан характерланади. У хавф омили таъсирининг бошланишидан то кутқарув ишлари ташкил этилгунига қадар давом этади. Бу даврда рухий ва рухий бўлмаган даражадаги психоген реакциялар кўпроқ кузатилади. Қатор ҳолларда ваҳима юзага келиши мумкин.

Иккинчи, кутқарув ишлари олиб борилаётган даврда, агар шундай номлаш мумкин бўлса, “номеъерий (экстремал) шароитлардаги меъерий ҳаёт” бошланади. Деадаптация ва рухий бузилишлар ҳолати шаклланадиган бу даврда жабрланувчининг шахсий хусусиятлари, шунингдек ҳаётига хавфли вазиятнинг давом этаётганлигини, яқинларини йўқотиш, оиланинг тарқалиб кетганлиги, уй-жойи, мол-мулкдан айрилганлигини англаб етиши катта роль ўйнайди.

Жабрланувчилар хавфсиз ҳудудларга кўчирилгандан сўнг бошланадиган учинчи даврда кўпчиликда вазиятни мураккаб эмоциональ қайта кўриб чиқиш, бошидан кечирганларни қайта баҳолаш, йўқотганларини ўзига хос калькуляция қилиш бошланади.

Психоген реакцияларнинг юзага келишида вазиятга тўғри баҳо бериш имконини берувчи ахборотнинг етишмаслиги ёки таҳдид тўғрисидаги тасавурларнинг юзага келишига имкон яратувчи миш-мишлар етакчи роль ўйнайди.

Потенциал хавфли объектлар ишчи-хизматчиларининг касбий фаолияти доимо сурункали, вақти-вақти билан эса анчагина ёрқин намоён бўлувчи стресс шароитида кечади. Доимий хавфнинг мавжуд бўлиши у ёки бу маънода рухий муҳофаза механизмларининг кучайтирилган ҳолда фаолият юритишига олиб келади.

Мураккаб шароитда исталган кишининг ҳаёт учун хавфли вазифани бажаришга тайёр эканига ишониб иш тутиб бўлмаслигини доимо ёдда тутиш лозим.

Рухий ҳолати меъерда бўлган “қўрқмайдиган” одамларнинг ўзи бўлмайди. Ҳамма гап саросимага берилиш хиссини енгиб ўтиш, оқилона қарор қабул қилиш ва ҳаракатларни бошлаш учун кетадиган вақтда. Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўрган одамда бу ҳол анчагина тезроқ кечади, тайёргарликдан ўтмаганларида эса узок давом этувчи ҳаракатсизлик, довдираш сақланиб қолади. Бунинг ўзи эса рухий бузилишларнинг ривожланишига олиб келади.

Одамлардаги якка, индивидуаль ваҳимали бузилишлар аффектив-шок реакциялари билан аниқланади. Улар ривожланганда, айниқса, бир вақтнинг ўзида бир неча жабрланувчида шундай ҳолат намоён бўлганда, “ҳайвоний” кўрқув ҳамроҳлик қилувчи, оммавий эмоциональ бузилишларга олиб келувчи жабрланувчиларнинг бир-бирига ва атрофдагиларга таъсири юзага келиши мумкин. Ваҳима кўзғатувчилар (ваҳимачилар) аниқ намоён бўлувчи ҳаракатларга, ўзгаларни гипноз ҳолатига тушира оладиган қаттиқ овозга, амалга ошираётган ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлигига ишончлари комил одамлардир. Фавқулодда вазият чоғида оломонга етакчи бўлиб олгач, улар катта-катта жамоаларни фалаж ҳолатига тушириб қўядиган, одамларни бир-бирига ёрдам бера олишдан, мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатларга риоя қилишдан маҳрум қиладиган умумий тартибсизликлар келтириб чиқара олишлари мумкин. Оммавий ваҳима ривожланишининг “эпицентри” бўлиб, одатда тезда бировнинг домига тушиб қоладиган талвасага мойил ҳамда эгоист ва ўзига кучли эътиборни талаб қилувчи инсонлар ҳисобланишади.

Аҳоли айрим гуруҳларининг ҳаёт учун хатарли вазиятдаги фаолияти алоҳида одамнинг хатти-ҳаракатига қараб белгиланади. Шунинг билан бирга фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ёки бундай вазиятни тугатиш зиммасида бўлган бутун бошлиқ жамоанинг фаолияти гуруҳлар хатти-ҳаракатига боғлиқдир.

Одамларнинг руҳий чиниққанлиги ваҳимали кайфият ривожланиб кетишига тўсқинлик қилади, дадиллашиб, бор иродасини тўплаб, содир бўлган вазиятдан чиқишнинг тўғри, мақсадбоп йўлини топиш имкониятини беради. Акс ҳолда саросима ва ваҳима устунлик қила бошлайди.

Ҳалокат ёки табиий офат зонасида қолган маҳаллий аҳолининг кўпроқ қийинчиликка дуч келиши шубҳасиздир. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг гувоҳлик беришича, бундай вазият юзага келган ҳудудда яшовчи аҳолининг 50-75% да ваҳимали, 12-25% да эса шайтонлаб қолиш, васвасага тушиш ҳолати аниқланган. Айримлар кучли кўзғалиш ҳолатида бўлиб, телба-тескари ҳаракатларни амалга оширсалар, бошқаларида эса, аксинча, қотиб қолиш, тушкунлик, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ҳолатлари намоён бўлади. Фақатгина 12-15% одамлар, ўзларини йўқотиб қўймай, мураккаб вазиятда қатъий ва оқилона ҳаракат қиладилар.

Фавқулодда вазият хавфли ва ўзгарувчан бўлади, одатдаги уйқу, дам олиш ва ишлаш навбатланиши бўлмайди. Вазифаларни кеча-кундузнинг турли вақтлари, ёмон об-ҳаво, ахборот етарли бўлмаган шароитда бажаришга тўғри келади.

Хавф-хатар, ортиқча ишлаш, одам қурби даражасидан чиқиб кетиш, етишмовчилик, ечиладиган вазифаларнинг мураккаблиги, бор кучни ниҳоятда зўр бериб ишлатиш одам фаолиятини қийинлаштириб, ундан кўзда тутилган мақсадга эришишга тўсқинлик қилиниши турли руҳий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Кучли товуш ва шовқинлар узоқ вақт таъсир этиб туриши асаб тизими чарчаши ва ҳатто бузилишининг сабабларидан бири ҳисобланади. Сурункали шовқин бошни айлантиради, оғритади, кўриш қувватини камайтиради, хотирани сусайтиради, тушкунликка солади, ҳаракатни секинлаштириб кўяди.

Чарчаш одатда одамнинг фаоллигини камайтиради, жумладан эътиборни сусайтиради, салбий ҳис-туйғуларни кучайтиради.

Табиий офат, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш ишлари анчагина қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, муайян кўникма маҳорат, амалий тайёргарлик, руҳий барқарорлик талаб қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Фавқулодда вазиятларда руҳий барқарорликни ошириш усуллари.
2. Психологик ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш йўллари.
3. Потенциал хавфли объектларда ишчи-хизматчиларининг стресс шароитида руҳий муҳофазасини ташкил этиш.
4. Фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишда ирода ва малакани тарбиялаш.
5. Қутқарувчиларнинг стресс ҳолатларида руҳий муҳофаза механизмларини амалга ошириш.
6. Фавқулодда вазиятларда жабрланувчиларга кўмаклашиш ва инсонпарварликни шакллантириш.
7. Раҳбарлар таркибида юқори маънавий-руҳий сифатларни шакллантириш ва аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда руҳий барқарорликни ташкил этиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Психология чрезвычайных ситуаций, Гуревич П.С., Актуальная психология, Москва–2007
2. Современная психология. (Справочное руководство). Дружинин В.Н., Институт психологии РАН, Москва–1999

3. Психологическая коррекция, ЦЭПП МЧС России, Настольная книга психолога МЧС России, Москва–2012
4. Умумий психология, Э.Ғозиев, Тошкент–2002
5. Психология, Творогова Н.Д., Лекция для студентов медвузов, Москва–1998
6. Психология (в 3-х книгах), Немов Р.С., Москва–1998
7. Психология и педагогика в схемах и таблицах, Крисько В.Г., (Учеб.метод, пособия). Минск–1999

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. [www. LexUz](http://www.LexUz)
2. [www. mchs.gov.ru](http://www.mchs.gov.ru)
3. [www. fvv.uz](http://www.fvv.uz)
4. [www. norma.uz](http://www.norma.uz)
5. <https://ru.m.wikipedia.org>

### **3-мавзу. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳандислик – техник тадбирларини режалаштириш.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаштириш меъёрларининг вазифалари ва талаблари.
- 3.2. Муҳандислик муҳофазасининг меъёрий ҳужжатлари.
- 3.3. Муҳофаза иншоотлари ва уларнинг таснифи

**Таянч иборалар:** аҳоли хавфсизлиги, иқтисодиёт объектларининг барқарорлиги, муҳандислик муҳофазаси, қутқариш ишлари ўтказиш, табиий офат зоналари, авария ва ҳалокатлар, биноларини лойиҳалаш

#### **3.1. Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаштириш меъёрларининг вазифалари ва талаблари**

ФМ МТТ меъёрларининг ҳамма талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади :

1. Аҳолини муҳофаза қилиш.
2. Фавқулодда вазият келтирадиган зарарни камайтириш.
3. Иқтисодиёт объектлари, бирлашмалар, иқтисодиёт тармоқлари ишлаши барқарорлигини ошириш.
4. Табиий офат зоналарида (жойларида) қутқариш ишлари ўтказиш учун керакли шароит яратиш.

Ушбу меъёрларнинг хусусан қуйидаги талаблари Ўзбекистон ҳудудида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаш ва ўтказишда бажарилиши керак:

1. Иморат ва иншоотларни лойиҳалашда ҚМҚ 2.01.03.-96 -«Зилзилавий ҳудудларда иморат ва иншоотларнинг қурилиши» ҳамда ҚМҚ 2.01.09.-97-«Ўта чўқувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар» талабларига риоя қилиниши керак.

2. Фуқаро муҳофазаси муҳандистик-техник тадбирларининг ҳажми ва мазмуни фуқаро муҳофазасидаги шаҳарларнинг гуруҳларига ва иқтисодиёт объектларининг тоифаларига қараб, ишлаб чиқаришдаги эҳтимоли бор йирик авариялар, ҳалокатлар ҳамда табиий офатлар кўламини ҳисобга олиб белгиланади.

3. Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари олдиндан ишлаб чиқирилиши ва ўтказилиши керак. Хактери жиҳатдан олдиндан амалга ошириш иложи бўлмаган тадбирлар махсус вақтда мумкин қадар қисқа муддатда ўтказилиши керак.

Иқтисодиёт тез ривож топишида республика ҳудудида саноат бўлиб-бўлиб жойлаштирилишининг аҳамияти катта бўлиб, бу фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этишда яхши таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт объектларини бўлиб-бўлиб жойлаштириш ишлаб чиқариш сийрак жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда саноат зичлиги юқори жойларда янги иқтисодиёт объектлари қурилишини чеклаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Шаҳарларни фуқаро муҳофазаси талабларини ҳисобга олиб режалаштириш вайронликлар эҳтимолини, натижада одамлар талофатини камайтиришга ёрдам беради. Меъёрларда баён этилган Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари янги туманлар қуришда, эскиларини қайта таъмирлашда ҳисобга олиниши керак.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари асосан қуйидаги ҳолларда ҳисобга олинади:

а) Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий районларида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда тарқатиб қўйиш чизмасини тузаётганда;

б) саноат тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш чизмасини тузаётганда;

в) туман режалаштирилиши чизмасини ва лойиҳасини тузаётганда;

г) шаҳарлар ва кишлокларни режалаш ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда;

д) шаҳарлар (туманлар)даги саноат зоналарини режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда;

е) корхоналарда муҳофаза иншоотлари бўладиган иморат ва иншоотларни лойиҳалашда.

Ишлаб чиқилган тадбирларнинг ҳажми ва ўтказиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши режасида белгилаб қўйилади.

Янгидан лойиҳаланаётган, кенгайтирилаётган, қайтатаямирланаётган аҳоли пунктлари, корхоналар, иморат ва иншоотлар учун, шунингдек техник қайта жиҳозланаётган корхона ва иншоотлар учун фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг махсус даврда бажариладиган тадбирлар (ишлар) харажатидан ташқари қисмини алоҳида иморатлар ва иншоотлар сметасига ҳамда саноат ва турар жой фуқаро қурилиши йиғма сметасининг умумий харажатлар суммасига ва тегишли бобларига киритиш керак.

Шаҳар ва қишлоқларда, шунингдек ишлаб турган, қуриб битказилган ва қайта таъмирланмайдиган корхоналарда фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари ўша шаҳар ва қишлоқларни режалаштириш ва қуришнинг, корхона, иморат ва иншоотларининг лойиҳалари (ишчи лойиҳалари) Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари билан албатта келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги тасдиқлаган Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларининг алоҳида ишлаб чиқиладиган бўлимларига асосан бажарилиши керак.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларининг моҳияти, асосан йирик шаҳарлардаги саноат ва аҳоли зичлигини чеклашга, аҳолини муҳофаза қилишга, моддий ресурслар сақланишига бориб тақалади. Бунинг эса ана шу шаҳар ва объектларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга вақтида тайёрлаб қўйиш учун муҳим аҳамияти бор.

Тажрибада кўрсатишича, Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари қурилиш лойиҳаланаётганда назарда тутилса ва жорий этилса, шундагина улар самарали ва иқтисодий мақбул бўлади. Чунки шунда моддий ресурслардан, молия харажатларидан самарали фойдаланишга, шунингдек ўтказиладиган Фуқаро муҳофазаси тадбирларининг халқ хўжалиги вазифалари билан узвий боғланиб боришига эришилади.



### 3.2. Муҳандислик муҳофазасининг меъёрий ҳужжатлари

Аҳолини муҳофаза қилиш масаласи Конституциямизда қолаверса, Фуқаро муҳофазаси бўйича қабул қилинган барча қонун ва қарорларда биринчи ўринга қўйилган. Шулардан бири 1993 йил қабул қилинган Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари ҚМҚ бўлиб, 10 боб ва 3 та иловадан иборат.

1. Умумий қоидалар;
2. Муҳандислик муҳофаза иншоотлари;
3. Шаҳар ва объектларни режалаштириш ва жойлаштириш;
4. Корхоналар ва муҳандислик тизимлари;
5. Электр таъминоти ва гидротехника иншоотлари;
6. Алоқа;
7. Транспорт йўллари;
8. Қишлоқ хўжалик чорва моллари ва ўсимликларни муҳофаза қилиш;
9. Ёруғлик маскировкаси;
10. Маиший хизмат объектларини лойиҳалаш.

#### **Иловалар.**

1. Кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар билан кимёвий заҳарланган ҳудудларни тозалаш.

2. Кимёвий заҳарланиш ҳудудини ташкил қиладиган кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг асосий группалари.

3. Иншоотларнинг бузилишидан ҳосил бўладиган вайроналик ҳудудлари.

Бу меъёрий қоидалардан ташқари қурилишлар соҳасида 150 тадан ортиқ ҚМҚ турли тармоқ, объектларнинг қурилиши бўйича қабул қилинган.

Масалан:

1. ҚМҚ 2.01.03.-96 “Зилзилавий ҳудудларда бино ва иншоотларни қурилиши”.

2. ҚМҚ 2.01.09.-97 «Ўта чўқувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар».

3. ҚМҚ 2.09.12.-98 “Омборхона бинолари”.

4. ҚМҚ 2.08.03-98 “Шифо масканлари мажмуаси”.

5. ҚМҚ 2.09.04.-98 “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари”.

6. ҚМҚ 2.04.01.-98 “Биноларнинг ички сув тармоқлари ва канализацияси”.

7. ҚМҚ 2.09.06.-98 “Ёғоч материаллари омборлари”.

I. Аҳоли пунктларини режалаштиришдаги талаблар

Бу талаблар қуйидагиларга қаратилган:

- ёнғин хавфини камайтириш;
- эвакуация тадбирларини тез ўтказиш талабларига риоя қилиш;

- ФМ кучлари киритилиши учун шароитни таъминлаш;
  - иқтисодиёт объектлари вайрон бўлиши эҳтимолини камайтириш.
- Бунинг учун меъёрларда қуйидагилар назарда тутилган:
- шаҳар ҳудудини 250 Га дан катта бўлмаган участка (микротуман)ларга бўлиш ва уларни бир-биридан камида 100 м масофада ажратиб қўйилган бўлиши керак;
  - кўкаламзор участкалар ва қаторлар яратиш;
  - ҳар қайси 1 км<sup>2</sup> қурилган жойга 1,5-3 м<sup>2</sup> дан (1500-3000 м<sup>3</sup> сув) тўғри келадиган сунъий ҳовузлар қуриш;
  - шаҳардан ташқари зонага камида икки йўналишда чиқиш йўли бўлишини ҳисобга олиб, шаҳар атрофида йўл тармоқи қуриш (йўлларнинг кенглиги энг баланд иморат баландлигига қўшимча яна 15 метрга тенг бўлиши керак);
  - автотранспорт ва темир йўл платформаларини ёнма-ён жойлаштириш;
  - шаҳардан ташқари зонани ривожлантириш ва ҳ.к.

### **Иқтисодиёт объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Иқтисодиёт объектларини жойлаштиришдаги талаблар, энг аввало, саноат корхоналарига тааллуқли бўлиб, бу корхоналар (мазкур шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш билан боғлиқларидан ташқари) аҳолиси 250 минг киши ва ундан ортиқ бўлган тоифаланган шаҳарларнинг катта вайронликлар эҳтимоли бор зоналарида жойлаштирилмаслиги керак.

Эҳтимол бўлган ҳалокатли сув босиш зонасининг катта-кичиклиги асословчи ҳужжатлар (техник-иқтисодий асослари, техник-иқтисодий ишлаб чиқиш) тайёрланаётганда ҳамда аҳолини ва иқтисодиёт объектларини муҳофаза қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ишлаб чиқадиган муҳандислик тадбирлар чизмаси асосида, шунингдек аҳоли пунктлари, объектлар, иморатлар ва иншоотлар қуриш учун майдонлар танлаш асосида аниқланиши керак (ЎР МТТ ҚМҚ-93й талаблари).

Тоифаланган янги корхоналар бундай ҳолларда вайрон бўлиш ва ҳалокатли сув босиш эҳтимоли бор зоналардан ташқарида жойлаштирилиши керак.

Тоифаланган шаҳарлардаги иқтисодиёт объектларини қайта таъмирлаш ва кенгайтириш Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Тез ёнувчан ва ёнилғи суюқликлар (нефть, бензин, мой ва ҳ.к)ни қайта ишлаш корхоналарини, шунингдек шу суюқликлар сақланадиган базис омборхоналарни тоифаланган шаҳарлардаги ва объектлардаги турар жой зоналарига ва саноат корхоналарига нисбатан ер юзаси қиялиги бўйлаб пастроқда, шунингдек магистрал автомобиль йўллари ва темир йўллар бўйлаб,

идишлар бузилса, ёнилғи суюқликларни хавфсиз жойларга оқизиб юбориш имкониятини ҳисобга олиб жойлаштириш керак бўлади.

Дарёлар бўйида қуриладиган нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари аҳоли пунктларига, гидроэлектростанциялар ва гидротехника иншоотларига, темир йўл кўприкларига, сув ўтказгич станцияларига нисбатан дарё оқими бўйлаб пастроқда-камида 100 м ораликда жойлаштирилиши керак.

Кучли таъсир этувчи захарли моддалар (КТЭЗМ), портлаш-ёнғин хавфи бор моддалар ишлаб чиқаридиган ёки ишлатадиган корхоналарда оралик омборлардаги ва технологик идишлардаги бундай моддалар захирасини ишлаб чиқариш учун керакли минимум миқдоргача иложи борица максимал даражада камайтиришга батамом тайёр туриш назарда тутилиши керак.

Корхона ҳудудига ва омборлардаги КТЭЗМ ва портлаш-ёнғин хавфи бор моддалар жорий ва бошқа захираларининг ҳажмини Республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари белгилайди.

### **Иморатлар ва муҳандистик тармоқларга қўйиладиган талаблар**

#### **а) Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари.**

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаш меъёрлари (нормалари) иморатларга ва ташқи муҳандислик тармоқларига муайян талаблар қўяди.

Эҳтимол бўлган вайронлик зонасидан ташқарида жойлашадиган ишлаб чиқариш ва омборхона биноларини лойиҳалашда ва қуришда қуйидагиларга амал қилиш керак:

- енгил тўсиқлар, ёнмайдиган ёки ёниши қийин конструкцияларни ишлатиш;

- эксплуатация ҳужжатлари йўл қўядиган бўлса, технологик жиҳозларни усти очик майдонларда ёки соябонлар тагида жойлаштириш;

- дераза-эшиклари энг кам, пишиқ типдаги омборхона бинолари қуриш. Бунда овқат саноати корхоналарига ва озиқ-овқат омборларига эшиклар, деразалар, вентиляция тешик ва тизимлари орқали радиоактив чўкиндилар кириши олдини олиш назарда тутилади;

- ишлаб чиқариш биноларидан (ҳаммом, техника ювиш жойлари, кимёвий тозалаш комбинатлари, маъийиш хизмат кўрсатиш корхоналари) одамларни санитария ишловидан ўтказиш, техника ва кийим-бошни махсус ишловдан ўтказиш учун фойдаланиш керак.

I. Табиий тусдаги фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш:

1. Зилзилалар:

- ҳудудни баллар (6,7,8,9 балл)га биноан зоналаш;
- лойиҳалаш ва қурилиш махсус нормалари (ЎзР ФМ МТТ ҚМҚ ва Л-1993 й.);

- иншоотларни текшириш ва уларнинг муҳофаза хусусиятларини ошириш;

- сариқ чизикқа риоя қилиш;

- иншоотларни техник ҳолатини техник кўриқдан ўтказиб туриш;

- иморатларни авария ҳолатига олиб келувчи сабаблари ўрганиш ва бартараф этиш бўйича қарорлар ва бўйруқлар қабул қилиш.

2. Тошқинлар ва сув босишлар:

- ҳудудни зоналаш;

- резерв сув омборлари, тўғонлар, каналлар ва ҳ.к. барпо қилиш;

- резерв ташлама, тўғонлар аҳволини назорат қилиш;

- чекланган хабарлаш тизими ва кўриқлашни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида муҳандислик – техник тадбирларидан каналларнинг бош иншоотларининг ва қирғоқни муҳофаза қилувчи дамбаларнинг сел ва тошқин сувларини ўтказиш тайёрлиги текширилсин, сел ўтадиган жойлар ўрганиб чиқилсин деб белгиланган.

Кўриқлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига баҳорги ва ёзги тошқинлар даврида сойларга, сел, қор кўчкилари содир бўладиган жойларга ва бошқа хавфли учаскаларга бориш йўлларида постлар ташкил этиш, ҳамда уларда одамлар, автотранспорт ва техниканинг хавфли зоналарга ўтишга йўл қўймаслик мақсадида махсус жиҳозланган постлар ўрнатиш лозимлиги қайд этилган.

3. Кўчкилар ва селлар:

- ҳудудни зоналаш;

- ердан фойдаланиш махсус меъёрларига риоя қилиш;

- тупрокни ўсимлик экиб мустаҳкамлаш;

- тўғонлар, оқим йўналишини ўзгартирувчи каналлар қуриш;

- хавфли зоналарни назорат қилиш;

- хабарлаш чекланган тизимини ташкил этиш.

4. Бўронлар, довуллар:

- аҳолига вақтида хабар бериш ва шароит ҳақида мунтазам маълумот бериб туриш;

- муҳофаза тадбирларининг кўшимча чоралари (иншоотларни маҳкамлаш ва ҳ.к.).

**Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** мақсадида қуйидаги муҳандислик-техник тадбирлари амалга оширилади:

1. Ёнғинларни олдини олиш бўйича:

заҳира чиқиш йўллари тайёр ҳолда сақлаш;  
сув ҳавзаларини тайёрлаш;  
қаватларга сув кранларини ўрнатиш;  
объект территорияси бўйича сув гидрантларини ўрнатиш;  
ёнғин хавфи мавжуд асбоблар яқинига автоматик ўтўчириш системаларини ўрнатиш;  
цистерналарни устига ўт ўчириш (кўпик пурковчи), совутиш ускуналари ўрнатиш;  
хоналарга мос ўт ўчиргичларни ўрнатиш;  
эвакуация чизмасини ишлаб чиқиш.

## 2. Кимёвий заҳарланишлар:

кимёвий хавфли объектлар (КХО)ни инвентаризация қилиш, паспортлаштириш, декларация қилиш ва лицензиялаш;  
КТЭЗМ заҳирасини энг кам миқдорда сақлаш;  
идишларни тупроқ тортиб ўраш ва чуқурлаштириб қўйиш;  
сув тўсиқлар ўрнатиш;  
узиб қўювчи клапан, сурма тўсиқ, переключателлар ўрнатиш;  
локал хабарлаш тизимини жорий қилиш.

## **Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнида**

### I. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларни тугатиш.

#### 1. Зилзилалар:

- бузилган иншоотларга колонналар ўтадиган йўлларни тайёрлаш;  
- авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;  
- аҳоли нормал ҳаётини фаолиятини ва иқтисодиёт объекти барқарор ишлашини таъминлаш;  
- иккиламчи фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш (уларга йўл қўймаслик).

#### 2. Тошқинлар ва сув босишлар:

- шикастланганларни қутқариш;  
- тошқинни ва сув босишни чеклаш;  
- махсус муҳандислик ишлари (тўғонлар, каналлар, резерв идишлар ва ҳ.к.);  
- аҳоли нормал ҳаётини фаолиятини ва иқтисодиёт объекти барқарор ишлашини таъминлаш.

#### 3. Кўчкилар, селлар:

- махсус муҳандислик ишлари (тўғонлар, оқим йўналишини ўзгартирувчи каналлар, селни ўтказиб юбориш ва ҳ.к.);

- авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- аҳоли ҳаётий фаолиятини тиклаш ва иқтисодиёт объекти барқарор ишлашини таъминлаш;

- фавқулодда вазиятларнинг иккиламчи оқибатларини олдини олиш.

#### 4. Бўронлар, довуллар:

- қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- аҳоли нормал ҳаётий фаолиятини ва иқтисодиёт объекти барқарор ишлашини таъминлаш.

**Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни тугатиш** жараёнида қуйидаги тадбирларга амал қилиш лозим.

Кимёвий хавфли объектларда бажарилиши лозим бўлган муҳандислик-техник тадбирлари:

муҳандислик тизимларига вентил, задвишка, кран, переключатель каби ўчириш асбобларини ўрнатиш ва иш ҳолатида сақлаш;

цехларга газанализатор, сигнализаторлар ўрнатиш ва назорат қилиш;

цехнинг дераза ва эшик оралиғига ва объект территориясининг зарур жойларига сув тўсиқлари ўрнатиш;

КТЭЗМ омборларини ер остига қуриш;

газ балонлар сақланадиган омборларда вентиляция ускуналарини иш ҳолатида сақлаш;

газ балонларида ёриқлар пайдо бўлганда футляр ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш бўйича тадбирларга тайёрлаш;

панажойларни доимо шай ҳолатда сақлаш.

#### 2. Радиациядан заҳарланиш:

радиацион заҳарланиш зонасини аниқлаш;

радиациядан заҳарланиш зонасини тўсиб қўйиш ва қўриқлаш;

радиациядан заҳарланиш ўчоғини чеклаб олиш ва тугатиш;

одамларни, ҳудудни махсус ишловдан ўтказиш;

аҳоли нормал ҳаётий фаолиятини ва иқтисодиёт объекти барқарор ишлашини таъминлаш.

### **2.3.Муҳофаза иншоотлари ва уларнинг таснифи**

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 11- моддасида «Қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари»да: муҳофаза иншоотлари, заруратга қараб, олдиндан барпо

этилишини таъминлашлари ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари лозим деб таъкидланган.

Муҳофаза иншоотларига панажойлар, радиациядан яшириниш жойлари ва энг оддий яшириниш жойлари (ҳандақлар) киради.

### **Муҳофаза иншоотларини таснифлаш ва уларнинг тавсифи.**

Муҳофаза иншоотлари қуйидаги белгилари билан бир неча турларга бўлинади:

#### *вазифасига кўра:*

- аҳолини муҳофаза қилиш учун;
- ФМ бошқарув органларини (бошқариш пунктлари, алоқа узеларини) жойлаштириш учун.

#### *жойлашиши жойига кўра:*

- киритиб қурилган;
- алоҳида (мустақил) турадиган.

#### *қурилиши вақтига кўра:*

- олдин қуриб қўйиладиган;
- тез қуриладиган.

#### *фильтр-вентиляция усканалари билан таъминланишига кўра:*

- вентиляция режимида;
- фильтр -вентиляция режимида;
- бутунлай изоляция (регенерация ва «зич ҳаво») режимида ишловчи.

#### *сизимига кўра:*

- кичик 300-600 кишигача;
- ўртача 600-2000 кишигача;
- катта 2000 кишидан кўп кишига.

#### *муҳофаза қилиши хусусиятларига кўра:*

- панажойлар;
- радиациядан яшириниш жойлари;
- энг оддий яшириниш жойлари.

Ҳимоя ишончли бўлиши учун панагоҳ герметиклиги, жиҳозларнинг тўғри ишлаши ва панагоҳ ҳолати мунтазам равишда текшириб турилади.

### **Муҳофаза иншоотлари учун меъёрлар**

Муҳофаза иншоотлари бир сменадаги энг кўп ишчиларни сонига мос равишда қурилади. Яширинадиган аҳоли нормал ҳаётини фаолиятини таъминлаш мақсадида қуйидаги меъёрларга риоя қилиш лозим:

Яширинганлар учун ичимлик суви ҳар бир кишига бир суткада 3 литрдан камида уч кунга етарли миқдорда сақланади.

### **Панагоҳларда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:**

1. Муҳофаза иншоотининг паспорти.

2. Фуқаро муҳофазаси муҳофаза иншоотларидан ҳарбий даврларда фойдаланиш бўйича йўриқномадан кўчирма.

3. Муҳофаза иншоотининг ҳолатини текшириш журнали.

4. Муҳофаза иншоотининг режаси.

5. Жиҳозларнинг, ускуна ва буюмларнинг рўйхати.

6. Фуқаро муҳофазасининг хабарлаш сигналлари.

7. Телефонлар рўйхати.

8. Муҳофаза иншоотининг панагоҳ режимига ўтказиш режаси.

9. Муҳофаза иншоотида хизмат кўрсатиш гуруҳлари (звенolari) шахсий таркибининг рўйхати.

10. Звенolarнинг (постларнинг) мажбурияти.

11. Муҳофаза иншоотини ҳаво алмашиш тизимидан фойдаланиш чизмаси.

12. Муҳофаза иншоотининг канализация ва сув тизимидан фойдаланиш чизмаси.

13. Муҳофаза иншоотининг электр токи билан таъминлаш тизимидан фойдаланиш чизмаси.

14. Дизель электростанциясида хизмат кўрсатиш йўриқномаси.

15. Фильтрвинтиляция жиҳозларига хизмат кўрсатиш йўриқномаси.

16. Жиҳозларга хизмат кўрсатишдаги техник хавфсизлик йўриқномаси.

17. Шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш йўриқномаси.

18. Муҳофаза иншоотидаги микроклимат ва ҳаводаги газлар таркибини ҳисобга олиш журнали.

19. Панагоҳ ҳаво муҳитининг ўлчов параметрларининг ўзгариш жадвали.

20. Тиббий ёрдамга мурожаат қилганларни ҳисобга олиш журнали.

21. Зарарланиш ўчоқларидан эвакуация қилиш чизмаси.

Аҳоли панажойда ўзларини тутиш қоидаларини билишлари лозим. Шу сабабли корхоналарда ташкилий кўрсатмада белгиланган махсус машғулот ўтказилиш ва панажойларни тузилиши ва тартиб қоидалар билан таништирилади.

#### **Панажойларда қуйидагилар таъқиқланади:**

заҳарловчи моддаларни доғи, излари мавжуд кийимлар билан кириш;  
радиактив заҳарланиш содир бўлганда заҳарланган кийим билан кириш;  
пойафзалдаги чанг ва лой, қор билан кириш;  
чекиш, тўполон қилиш;  
рухсатсиз керосинли лампаларни ёқиш;  
шам, тез алангаланувчи моддалардан фойдалардан фойдаланиш;  
ҳайвонларни олиб келиш;



ёш болали оналар, касаллар алоҳида ажратилган жойларга жойлаштирилади.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари ФМ МТТ ҚМҚ ва Қ-93 ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа раҳбарлик ва норматив (меъёрий) ҳужжатларида белгиланган тартибда бўлади.

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Муҳандислик муҳофазаси тўғрисида тушунча.
2. Аҳоли пунктларини режалаштиришда қўйиладиган талаблар.
3. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларда муҳандислик муҳофазаси.
4. Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳандислик муҳофазаси.
5. Муҳофаза иншоотларининг турлари.
6. Панажойларнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Панажойларда тақиқланувчи ҳолатлар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. – Т., “Ўзбекистон”, 2016.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. - Т., “Ўзбекистон”, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сонли “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги ПҚ-3029-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги ПҚ-3030-сонли “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги 650-сонли “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами). I том. – 2007.– 328 б.

2. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами). II том. – 2012.–368 б.

3. Архипова Н.И., Кульба В.В. Управление в чрезвычайных ситуациях. Учеб. пос. – 3-е изд., перераб. и доп. Москва. РГГУ, 2008, 474 стр.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси бўйича режалаштириш тадбирларини амалий бажариш.**

Машғулот давомида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳудудларда, иқтисодиёт объектларида ишлаб чиқиладиган режалар очиб берилади.

Маърузада баён этилган фикрларни мустаҳкамлаш мақсадида тингловчиларнинг тоифаларини инобатга олган ҳолда, ҳудудларда ёки объектларда ишлаб чиқиладиган режаларнинг бир қисмини ишлаб чиқиш топширилади.

80 дақиқага режалаштирилган гуруҳ тингловчиларига гуруҳларни 3 та гуруҳларга бўлган ҳолда, ҳар бир гуруҳ тингловчиларга объектнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш харакатлари режасини қисқа кўринишда ишлаб чиқишни топшириқ сифатида берилади ва вақт ажратилади. Белгиланган вақт ичида гуруҳчалар ўз ичларидан танлаган объектлари бўйича гуруҳ аъзолари маслахатлашган, келишган ҳолда режанинг қисқа кўринишини ишлаб чиқадилар. Гуруҳ тингловчилари вазифани бажаришда қийналаётган тақдирда 1-иловадаги тавсиялар тарқатилади.

40 дақиқа дарс режалаштирилган гуруҳларга бир объект миқёсида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартарф этиш ҳаракатлари режасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Гуруҳ тингловчилари бир неча гуруҳчаларга бўлинади ва уларга қуйидаги вазифалар топширилади:

1. Режанинг биринчи бўлимини ишлаб чиқинг.
2. Режанинг иккинчи бўлимини ишлаб чиқинг.
3. Режанинг 1, 2-иловаларини тайёрланг.
4. Режанинг 3, 4-иловаларини тайёрланг.

Кейинги босқичда гуруҳдан бир тингловчи доскага чиқиб, гуруҳ томонидан тайёрланган режани презентация қилади, тушунтириб беради.

Барча гуруҳлар тинглангандан сўнг, бошқа гуруҳларни ишлаб чиқилган режаларни тўлдириш, улар бўйича фикр билдиришлари сўралади.

Ўқитувчи жавобларни таҳлил қилади, тўлдиради. Берилган топшириқларини бажарилиш самарасини инобатга олган ҳолда тингловчилар баҳоланади.

## **2-амалий машғулот: Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга психологик тайёрлаш.**

### **Ишнинг мақсади :**

Енгиллик-гимнастика машқлари. Нафас олиш-дам олишнинг бир усули. Тезлик билан тушириш усули. Енгиллик учун машқлар. Автоматик машқ қилиш машқлари.

### **Енгиллик усуллари**

Бу физиологик реаксияларнинг барчаси ҳиссий рағбатлантиришга олиб келади, шунинг учун стрессли мушакларнинг жисмоний гевҳемеси дам олиш, дам олиш туйғусини келтириб чиқариши мумкин. Чиқарилганда, химоя таъсирининг йўқолиши кузатилади, стресснинг физиологик белгилари нормаллашади, масалан, юрак тезлигини тезлаштиради.

## **Енгиллик учун машқлар**

Дам олиш учун мўлжалланган машқлардан сўнг, хотиржамлик ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Кўпинча ҳақиқий физиологик гевҳеме билан аралаштирилади. Аслида, у чарчоқ ҳисси билан ёки иш тугаганидан кейин ёрдам бериш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, бу туйғуни синаб кўриш фойдалидир, айниқса, дам олишни бошқаришнинг бошқа усуллари ўрганишга ёрдам беради. Ушбу усул кундалик ҳаётда ишлатилиши мумкин.

### **Секин дам олиш.**

Баъзи ҳолларда, "кучланиш ва оқим" деб аталадиган бу усул XX асрнинг 30-йилларида Қўшма Штатларда эдмунд Жасобсон томонидан яратилган. Бу мушакларнинг зўриқиши ёки бўшашиши ҳолатини аниқлашга ва истакка қараб маълум бир ҳолатга олиб келади.

Ушбу усулни ўрганиш учун бироз вақт талаб этилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги остида аста-секин барча асосий мушак гуруҳлари бир неча ой давомида машқ қиладилар. Жекобсоннинг ўзи фақат битта кўл мушаги 12дан 30 соатгача машқ қилишни тавсия қилади.

### **Автоматик машқ қилиш машқлари.**

Баъзиларда ишончсизлик ҳисси жуда кам кўринади. Бироқ, агар биз қанча имконият қолдирганимизни, қанча йўқотганимизни, қанча қарор қабул қила олмаслигимизни ёки қарор қабул қилмаслигимизни ўйласак, сочларимиз тик туради. Ўз-ўзига ишончни ошириш учун биз Авто-машқ қилишимиз керак.

Бу ўзимизга ишонишимиз учун автоматик машқ қилиш машқлари. Ҳар бир ототренинг машқининг асоси шартли рефлексларни ва ижобий ҳис-туйғуларни кучайтирадиган ирода эркинлигига асосланган машқдир.

Машқларда асосий рол аутотренинг оғзаки формулалар ва сигналларга берилади, улар бир неча марта қайтарилганда миёда бу ёки бошқа функцияни тартибга солувчи тасвирлар ва асаб марказлари ўртасидаги бирикмаларга йўл беради.

Сиз сўз бирикмаларини мустақил равишда тузишингиз мумкин, фақат учта асосий талабларга риоя қилишингиз керак бўлади:

1. Умумий қоидалар "мен ҳаракат қиламан" ва "ҳаракат қиламан".

2. Таклифни тузишда тақиқловчи юкларни ишлатманг.

3. Машқ қилиш "... ҳозир ўзимни ҳис қиляпман.

Ўз-ўзига ишончни кучайтирадиган самарали, "ишлайдиган" автоматлаштирилган формулалар мисоллари:

"Менинг танам бутунлай хотиржам ""автоматик равишда-мен энгил ва эркин нафас оламан "" мен бутунлай илиқ, хотиржамлик ва дам олишда эрийди "" "ҳеч қандай сабаб (неденселлик) мени мувозанатдан чиқара олмайди" "менинг аҳволим барқарор мувозанат ҳолатидир "" мен буни қила оламан" "енди" тўхтатиш"деб айтаман ва кўрқув, қарор қабул қилмаслик, ташвиш мени тарк этади". ўтиш: сайтда ҳаракатланиш, қидирув”

### **Бошқа томонга диққат қилиш ёки чалғитиш орқали**

Бу усул чизилган ва боғдорчилик, трикотаж кийимлари билан яқунланган ва кинога борадиган барча нарсаларни ўз ичига олади. Бундай тадбирларга ботиш қулайлик беради ва ҳатто содир бўлган воқеаларга ижобий ва хотиржам кўриниш беради.

Росарйларни ҳисоблаш ҳам тинчлантирувчи, стрессни энгиллаштирувчи машқдир.

### **Нафас олиш йўли билан**

Ушбу усул онгли нафас олиш жараёнини ўз ичига олади. Шу билан бирга, диафрагма ва пастки қовурғалар ёрдамида нафас секинлашади. Стресда нафас олиш ёки нафас олишни фақат кўкракнинг юқори қисмида ушлаб туриш тенденцияси мавжуд. Автомобилни ҳайдаш, маъруза қилиш ёки одамларга интервью бериш каби қизиқарли вазиятларда тез-тез тўғри нафас олиш ёрдам беради.

### **Гипноз билан**

Гипнознинг турли усуллари мавжуд. Одатда, монотон овоз индукторининг таъсирини такрорлаш ҳипнотик ҳолатга олиб келади. Ҳипнотик ҳолатни бошқариш учун тажрибали мутахассис керак, унинг вазифаси фақат таъсирга мойил бўлган одамларда онгли равишда амалга оширилиши керак.

### **Автоматик тренинг сессияси.**

"Мен тўғридан-тўғри кўзларимга қарайман. Мен ўзим ҳақида гапиряпман. Уйдан чиқиб, йўлга чиқиш вақти келди. Мени эшик олдида нима кутмоқда, тақдир мени тайёрлайди, билмайман. Бироқ, ўзимга бўлган ишонч ва қалбимдаги юксалиш менга ёрдам беради ва бу менинг муваффақиятимнинг калитидир. Баъзи нарсалар ҳозиргача мени ташвишга солмоқда, лекин бу ташвишли туман эканлигини эслай олмайман ва бу ваҳима келтириб чиқаради. Ва юзимдаги ташвишларни кўрганимда, мен уни таъқиб қиламан ва ўзимга бўлган ишончим бор. Мен ўзимни барча мавжудлигим билан ўзгартираман ва бу ташвиш ва ўз-ўзидан ишончсизлик ҳисси ҳақида ташвишланаман. Менинг танам ва руҳим умуман бир-бирига таъсир қилади. Мен сизнинг қўлингизда ғозни ушлаб туришни, элкангизни кенгайтиришни буюраман. Мен бошимни баланд кўтариб, ўзимга ишонч билан қарайман (камроқ пауза). Мана, менинг ташвишим мени тарк этди, менда йўқ. Менинг нуқтаи назаримдан, қалбим мустаҳкам. Мен ҳар қандай қийинчиликларни энгишим мумкин. Энди мен бутунлай ўзига ишонган одам каби ҳис қиламан. Энди мен йўлга бораман".

## **Автоженик машқларда машқ қилиш.**

Автоженик таълимнинг мақсади ҳиссий тангликни аниқлаш ва уни ўзингиз энгиб ўтишдир. Туйғуларни бартараф этиш учун автоженик машғулотлар Ирода, эътиборни кучайтиради, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш одатини шакллантиради, барқарорликни оширади. Автоженик машқлар икки босқични ўз ичига олади-пастки ва юқори.

Биринчи (пастки) босқич вегетатив функсияга таъсир қилувчи олти та машқдан иборат.

"Вазн" - мушакларнинг максимал енгиллиги. Мушакларнинг гевшемеси машқлари ўнг қўлда, кейин чап қўлда, кейин ўнг оёқ, чап оёқ ва кестириб, мажозий маънода ўсиб бораётган вазни тасаввур қилиш орқали амалга оширилади.

"Иссиқ" - бу танадаги иссиқлик ҳисси орқали қон томирларининг эркин кенгайиши билан бир хил.

"Пулсе" - бу зарба нормализатсияси.

"Нафас олиш" эркин ритмни алмаштиришда нафас олишни тартибга солиш ва тартибга солишдир.

"Қуёш таъсиридаги иссиқлик" - қуёш таъсирида (қуёш плексус) ва қорин бўшлиғида иссиқлик ҳисси.

"Пешонадаги совуқлик" - бошга қон қуядиган совуқлик, шамолнинг ҳиссий тасаввуридир.

Иккинчи босқичда диққат, тасаввур, фикрлаш, Ирода, ҳис-туйғулар каби рухий функсияга таъсир қилувчи машқлар бўлиши мумкин. Сиз уларни биринчи босқич машқларини ўрганганингиздан кейин бошлашингиз мумкин.

Авто-машқда қўлланилиши мумкин бўлган баъзи машқларни кўриб чиқамиз.

Стрессга чидамликни оширишда мустақил ва ўзаро ёрдам сифатида қуйидаги 5 машқлари тавсия этилади. Улар тез ва самарали тарзда қайта тикланиши мумкин, шунингдек стресс остида бажарилса, ҳис-туйғулар ва ҳис-туйғуларни назорат қилишлари мумкин.

### **Машқ қилиш " парвоз"**

Кансада жойлаштиринг ёки ўтиринг. Кўзларингизни ёпинг, қўлларингизни хурмолардан пастга туширинг. Сизнинг қўлларингизни тасаввурдан юқорига кўтаринг ва бир четга очинг. Уларга бу ишларни осонлик билан бажариш имкониятини беринг. Буни амалга ошириш учун, ўзингизни ер юзасидан учиб кетаётгандек тасаввур қилинг.

### **Машқ қилиш " қўлларни очиш"**

Туринг ёки дам олинг. Кўзларингизни ёпинг, қўлингизни олдинга чўзинг. Тасаввур қўлларингиз билан ён томонларда жамоани очинг. Уларни бу ишни стресссиз бажариш учун қўйинг. Ушбу ҳаракатга олиб келиши мумкин бўлган қулай тасвирни танланг, масалан, самолёт, Т ҳарфи.

### **Машқ қилиш "қўлларни ёпиш""**

Туринг ёки дам олинг. Кўзларингизни ёпинг, қўлингизни ён томонга очинг. Хаёлий қўлларга бир-бирига яқинлашишга буйруқ беринг. Уларни бу ишни стресссиз бажариш учун қўйинг. Ушбу амални бажаришга ёрдам берадиган тасвирни чизиш.

### **Машқ қилиш " автоматик тана тебраниш"**

Туринг, кўзингизни юминг, қўлларингизни хурмолардан пастга туширинг. Секин-аста тебраниб, ҳаракатнинг темпини ва ритмини танлаб, аста-секин бутун тананинг тўлиқ бўшашишига эришади. Бу асосий нарса тана учун ёқимли ритм ва тебраниш тезлигини топишдир.



## **Машқ қилиш " бош ҳаракати"**

Тик туриш ёки ўтириш, бошингизни механик равишда айлантириш, ёқимли ритм ва ёқимли бурилиш нуқталарини излаш. Касал ва зич жойларни четлаб ўтинг. Ёқимли бурилиш нуқтаси дам олиш нуқтасидир. Муаммо шундаки, бундай ҳаракатни топиш осон, энгил стресс билан, ёқимли ҳис-туйғулар билан, уларни давом эттириш истаги бор.

Ҳиссий ҳаяжонни йўқотишнинг яна бир самарали усули - бу тўғри нафас олиш.

## **Машқ қилиш " нафас олиш"**

1. Умумий қоидалар ўтириб, дам олинг.

Бир қўлни кўкрак қафасига, иккинчисини эса кўкрагига қўйинг (бу манипулятсия фақат нафас олиш машқларининг тўғри кетма-кетлигини ва техникани ўзлаштиришнинг дастлабки босқичида пайдо бўлган ҳис-туйғуларни эслаб қолиш учун керак).

2. Чуқур нафас олинг (камида 2 сония), ошқозонни ва кейин кўкракни ҳаво билан тўлдилинг.

3. Нафасингизни 1-2 сония давомида ушлаб тулинг.

4. 3 сония давомида секин нафас олинг. Нафас олиш нафас олишдан кўра кўпроқ бўлиши керак.

5. Узлуксиз чуқур нафас олинг ва машқни такрорланг.

Машқ 4-5 марта такрорланиши керак. Биринчи марта буни мукамал қилишга ҳаракат қилманг. Ушбу усулдан фойдаланганда бош айланиши мумкин. Бу ҳолат шахснинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Агар бош айланиши бўлса, тсикллар сонини камайтилинг. Нафасни тузатиш усули нафақат психо-

эмоционал стрессда, балки 5 дан 15 дақиқагача 1 марта, кун давомида ҳам қўлланилиши мумкин, бу ҳам муҳимдир.

Кейинги машқлар ёқимсиз хотиралар ёки таассуротлардан халос бўлишингиз керак.

### Ўз-ўзини назорат қилиш тести:

1. Умумий қоидалар бошқаларнинг одатларини тақлид қилиш қийин кўринади.
2. Бошқаларнинг эътиборини жалб қилиш ёки вақтни ёқимли қилиш учун, эҳтимол, аҳмоқлик, жиннилик қила оламан
3. Актёр мендан яхшироқ чиқиши мумкин эди.

### Ўзини назорат қилишни баҳолашнинг балл шкаласи

Баллар миқдори	“Нотўғри” жавоби учун	“Тўғри” жавоби учун
1, 5, 7 саволлар	1	
2–4, 6, 8–10 саволлар		1

### Ўзини назорат қилиш даражасининг баҳоси

Баллар	Яқун
<b>0 дан 3 баллгача</b>	Сизда паст коммуникатив назорат, Сиз самимийсиз, аммо ҳиссиётингизни намоён этишда ўзингизни тута олмайсиз, хатти-ҳаракатларингизда атрофингиздаги одамлар билан ҳисоблашасиз.
<b>7 дан 10 баллгача</b>	Сизда юқори коммуникатив назорат. Сиз осонлик билан ихтиёрий ролга кира оласиз, вазиятнинг ўзгаришларига тез мослашасиз, сиз атрофдагиларда уйғотишингиз мумкин бўлган таассуротни яхши хис қиласиз ва ҳатто олдиндан кўра билиш хусусиятига эгасиз.

### **3-амалий машғулот: Мухандислик техник тадбирларини ташкил этиш**

#### **Ишдан мақсад:**

- Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини оширишнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш.

- Иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини ошириш муаммолари юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни ўрганиш.

- Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини ошириш услублари ва баҳоланишини ўрганиш.

Барқарорликни баҳолашда қуйидаги маълумотларнинг мазмун моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади:

- объектнинг ФВ шароитидаги ҳолати;
- объектнинг ишчи кучи, техникаси, энергия манбалари, хомашёси ва бошқа захиралар билан таъминланганлиги;
- объектнинг иқтисодий кўрсаткичлари;
- табiiй ва техноген фавқулодда вазиятларда эҳтимолий талофати ва олдини олиш, зарар кўламини камайтириш.

#### **Услубий тавсиялар**

Тингловчиларни маъруза давомида олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулот олиб борилади.

Амалий машғулот давомида тингловчиларни икки кишидан иборот кичик гуруҳларга бўлинади. Уларга қуйидаги фавқулодда вазиятлар турлари ва вазифа ёритилган карточкалардан бирини танлаб олиш топширилади.

- кучли zilзила
- сув тошқини хавфи туғилганда,
- Аммиак моддаси тарқалганда,
- хлор моддаси тарқалиши кузатилганда,
- радиациявий заҳарланиш юз берганда,
- сув тошқини кузатилганда,

Тингловчилар берилган ҳолат бўйича объектларида содир бўлган вазиятга баҳо беришлари ҳамда шу ҳолатни бартараф этиш бўйича қарор ишлаб чиқишлари учун 15 дақиқа вақт ажратилади.

Тингловчилар вазифани бажаришлари қийинлик қилган ҳолатда, улар учун тарқатма материал Қарорнинг ёзилиш шаблони тарқатилади. (1-илова)

Гуруҳлардан бир тингловчи чиқиб тайёрлаган материалларини презентация қиладилар. Барча гуруҳ гапириб бўлгандан сўнг, қолган гуруҳ аъзолари ўз фикрларини билдирадилар, тўлдирадилар.

Кутилаётган Қарор нусхалари.

Кимёвий хавфли объектда зилзила талофатларини бартараф этишда кутқарув ишларини ўтказиш бўйича ФМ бошлиғи –корхона директорининг Қарори

4.09.2019 йил.

Тошкент шаҳри

Бугун соат 10-00 содир бўлган зилзила оқибатида 2,3 цех иморатлари қисман бузилган. 1,3 цехда, маъмурият биносида ёнғинлар кузатилмоқда. Зилзила оқибатида 1 ва 2 цехларда хлор-захарли газ тарқалмоқда. 1,2 цехларда жабрланган мавжуд.

Зилзиланинг келтирган талофатларини бартараф этиш мақсадида Қарор қиламан:

Тузилмаларни асосий қисмини 1,2,3 цех ва маъмурият биносида кутқариш ишларига юборилсин.

Ишлар қуйидаги тартибда олиб борилсин:

- ёнғинларни бартараф этиш;
- жабрланганларни қаердалигини, қай даражада жабрланганлигини аниқлаш;
- зудлик билан уюмлар орасидаги ва ёнғин жойлардаги кишиларни кутқариш;
- кишиларни 4-цех ёнидаги майдонга эвакуация қилиш;
- газ манбасини бартараф этиш.

Кутқарув ишларини олиб боришда барча объект хизмат тузилмалари ҳамда ФМ тузилмалари, жабрланмаган барча ходимлар жалб этилсин. Куч ва воситалар ҳаракатлар режасида келтирилган жадвал асосида тақсимлансин.

Тузилмаларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар ҳисоблансин:

-ёнғин хавфсизлиги гуруҳи 1,3 ва маъмурият биносида ёнғинларни ўчириш ва локализациялаш билан шуғуллансин;

-разведка гуруҳи соат 11 гача кишиларни уюм орасида қолган жойларни аниқласин. Коммуникация тизимидаги қутқарув ишларини олиб боришда ҳалал берувчи аварияларни аниқлаш ва байроқчалар билан белгиласин.

-тиббий тузилма, разведка гуруҳи , қутқарув гуруҳи билан биргаликда қидирув –қутқарув ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш палаткаларига олиб боришни амалга оширсин. Зарарсизлантириш гуруҳи эса объект территорияси ҳамда 1, 2 цехларда зарарсизлантириш билан шуғуллансин.

-авария-техник гуруҳи газ ва сув тармоғини .....цех бўйича ўчиришни ташкил этсин.

-эвакуация комиссияси эвакуация режасига асосан эвакуацияни амалга оширсин;

-жамоат тартибини сақлаш гуруҳи моддий бойликларни сақлаш, бегоналарни объектга киришини таъқиқлаш, объектдан чиқаётган ҳар бир транспортни текширишни амалга оширсин.

-гуруҳ бошлиқлари зилзила ва ёнғин ҳолатида режалаштирилган ҳаракатлар режасидаги тадбирларни амалга оширилишини таъминласинлар.

-бартараф этиш ишларини назорат қилишни штаб бошлиғи амалга оширсин.

Соат 11 да бошқарув пункти пана жойда иш олиб боради.

Ишлар соат 9-30 да бошланади ҳамда 14-00 гача давом этади. КТЗМ концентрацияси камайтирилгунча газниқоблардан фойдаланилсин.

ФМ бошлиғи- Бош директор

Фамилия И.Ш.

“ Авангард” корхона директори - ФМ бошлиғининг  
зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича

Б У Й Р У Ғ И

Соат 10-30 да содир бўлган зилзила оқибатида корхона иморатлари турли даражада бузилган. Тахминий ҳисобларга қараганда 4-цехда 10 та киши уюмлар орасида қолган. 1,3 цехлар, маъмурий бинонинг баъзи жойларида ёнғинлар содир бўлмоқда. 6,8 цехларда аммиак идишининг шикастланиши оқибатида атрофга аммиак гази тарқалиши кузатилмоқда.

Зилзиланинг келтирган талофатларини зудлик билан  
бартараф этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Штаб бошлиғи АҚ ва бошқа шошилиш ишларни ўтказиш учун хизмат тузилмаларини, ФМ тузилмаларни ва тузилмага кирмаган ишчи ва хизматчиларни жалб этсин.

2. Эвакуация комиссияси бошлиғи ходимларни панажойга яширишни амалга оширсин.

3. Ёнғин хавфсизлиги хизмати шаҳар ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда 1,3, 5 цехларда ва маъмурий бинода ёнғинни

ўчирсин. КТЗМ тарқалишини олдини олиш мақсадида 6,8 цех атрофига сув тўсиқларини ўрнатсин;

4. Газдан қутқарув хизмати 6,8 цехлардаги газ манбаларини ёпиш билан шуғиллансин.

5. Разведка гуруҳи, қутқарув ва тиббий тузилма билан биргаликда жабрланганларни топиш уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, оғир касалларни ОПМга жўнатиш билан шуғуллансин.

6. Зарарсизлантириш гуруҳи газ –қутқарув звеноси билан биргаликда соат 12-00 гача 6,8 цехларда заҳарланиш манбасини, объект территориясидаги КТЗМ тарқалган жойларни нейтраллашни амалга оширсин.

7. Тиббиёт хизматининг бошлиғи соат 11 гача санитария қисми яқинидаги майдончада биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш палаткасини қуришни ташкил этсин. Жабрланганларни гуруҳларга бўлинсин ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатилсин.

8. Қутқарув гуруҳи қутқарув ишларини ўтказишда хавфсизликни таъминласинлар ( қутқарувчиларга ШМВ ни тарқатсин).

9. Гараж бошлиғи оғир касалларни шифохоналарга ташиш мақсадида учта автомобил ажратсин.

10. Таъминот гуруҳининг бошлиғи АҚ ишларида иштирок этаётган қутқарувчиларни хавфсиз жойда овқатлантиришни амалга оширилишини ташкиллаштира син.

11. РК назорат постлари кимёвий ҳолатни узлуксиз назорат қилсин. Ҳаводаги КТЗМ миқдори рухсат этилган миқдордан ошиб кетса, “Диққат барчага” сирена сигнали берилсин.

12. ФВВ Қутқарув хизмати қутқарув гуруҳи билан ҳамкорликда 4-цехда уюмлар орасида қолган кишиларни қутқариш билан шуғуллансин.

13. Соат 11-да бошқарув пункти панажойда иш олиб борсин, мен билан \_\_\_\_\_ тел. орқали алоқада бўлинсин.

14. Вазифаларни амалга оширилишини назорати штаб бошлиғи зиммасига юклатилсин.

15. Тузилма бошлиқлари ҳар бир соатда штаб бошлиғига қилинган ишлар бўйича ҳисобот \_\_\_\_\_ тел орқали бериб борилсин.

ФМ бошлиғи

Ф.И.Ш.

Илова -1. **Намуна**

Объектда зилзила талофатларини бартараф этишда  
қутқарув ишларини ўтказиш бўйича ФМ бошлиғи –корхона  
директорининг  
Қарори

4.09.2019 йил.

Тошкент шаҳри

Зилзила оқибатида кўрилган талофатларга баҳо берилади:

Зилзила оқибатида қуйидаги бинолар кучли талофат  
кўрган \_\_\_\_\_

Қуйидаги бинолар қисман талофат кўрган \_\_\_\_\_  
ва қуйидаги талофатларни келтириб чиқарди:

\_\_\_\_\_

(ёнғинлар, портлашлар содир бўлган жойлар, хосил бўлган уюмлар, улар орасида қолган кишиларнинг тахминий ҳисоби)

\_\_\_\_\_

шу муносабат билан

Қарор қиламан:

Барча объект хизмат тузилмалари ҳамда ФМ тузилмалари  
\_\_\_\_\_ (жой номи) га йиғилсин.

Бартараф этиш ишлари қуйидаги тартибда олиб борилсин:

- \_\_\_\_\_ цехдаги ёнғинларни бартараф этиш;
- жабрланганларни қаердалигини, қай даражада жабрланганлигини аниқлаш;
- зудлик билан уюмлар орасидаги ва ёнғин жойлардаги кишиларни қутқариш;
- кишиларни \_\_\_\_\_ ёнидаги майдонга эвакуация қилиш;
- \_\_\_\_\_ (газ, сув) манбасини ( завод бўйича) ёки \_\_\_\_\_ ўчириш.

Қутқарув ишларини олиб боришда барча объект тузилмалари ҳамда жабрланмаган \_\_\_\_\_ цех ходимлари жалб этилсин. Куч ва воситалар ҳаракатлар режасида келтирилган жадвал асосида тақсимлансин.

Тузилмаларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар ҳисоблансин:

-тадбирлар бажарилаётганида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинсин,

КТЭЗМ концентрацияси камайиб, сигнал берилмагунча \_\_\_\_\_ цехда фақат \_\_\_\_\_ маркали газниқоб билан ишлансин.

-ёнғин хавфсизлиги гуруҳи \_\_\_\_\_  
биносида ёнғинларни ўчириш ва локализациялаш билан шуғулланиш;

-разведка гуруҳи \_\_\_\_\_  
соат \_\_\_\_\_ гача кишиларни уюм орасида қолган жойларни аниқлаш

---

Коммуникация тизимидаги қутқарув ишларини олиб боришда ҳалал берувчи аварияларни аниқласин ва

---

байроқчалар билан белгилансин

---

\_\_\_\_\_ цехда тарқаллаётган газнинг турини ва миқдорини аниқласин.

-тиббий тузилма, разведка гуруҳи, қутқарув гуруҳи билан биргаликда - кидирув –қутқарув ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этсин, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш палаткаларини қуришни ташкил этсин.

-Зарарсизлантириш гуруҳи эса \_\_\_\_\_

---

цехларда зарарсизлантиришни ташкил этиш.

-авария-техник \_\_\_\_\_ гуруҳи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_газ

ва сув тармоғини \_\_\_\_\_ цех ва завод бўйича ўчиришни ташкил этсин.

-Эвакуация \_\_\_\_\_ КОММИССИЯСИ \_\_\_\_\_

---

эвакуация режасига асосан эвакуация билан шуғуллансин;

-жамоат \_\_\_\_\_ тартибини \_\_\_\_\_ сақлаш \_\_\_\_\_ гуруҳи \_\_\_\_\_

---

— моддий бойликларни сақлаш, бегоналарни объектга киришини таъқиқлаш, объектдан чиқаётган ҳар бир транспортни текшишни амалга оширсин.



-гуруҳ бошлиқлари зилзила ва ёнғин ҳолатида режалаштирилган ҳаракатлар режасидаги бошқа тадбирларни амалга оширилишини таъминласинлар.

Соат \_\_\_\_\_да бошқарув пункти \_\_\_\_\_панажойда ташкил этилсин.

Ишлар соат \_\_\_\_\_ да бошланади ҳамда \_\_\_\_\_ гача давом этади.

-қарорда белгиланган ишларни назорат қилиш штаб бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Менинг манзилим \_\_\_\_\_ телефон \_\_\_\_\_

Штаб бошлиғининг манзили \_\_\_\_\_ телефон \_\_\_\_\_

ФМ бошлиғи Бош директор

имзо

ФИШ

Тингловчиларни жавоблари тинглангандан сўнг, бошқа гуруҳ аъзоларининг фикрлари орқали тўлдирилади. Ўқитувчи жавобларни тахлил қилади, тўлдиради. Берилган топшириқларини бажарилиш самарасини инобатга олган ҳолда тингловчилар баҳоланади. Дарсга яқун ясалади.

### Решение

#### Начальника ГЗ при аварии на объектах со СДЯВ и на железнодорожном транспорте

В результате аварии на объектах со СДЯВ на ж/ транспорте произошёл выброс \_\_\_\_\_ тонн \_\_\_\_\_ площадь заражения может составить до \_\_\_\_\_ кв. км.

Глубина распространения зараженного воздуха составит до \_\_\_\_\_ км,

Стойкость СДЯВ до \_\_\_\_\_ час.

По данным прогноза наиболее сложная обстановка может сложиться в \_\_\_\_\_ Обстановка требует экстренной эвакуации \_\_\_\_\_ чел,

#### В связи с этим решил:

Основное усилие направить на спасение людей экстренной эвакуации личного состава из зон возможного заражения, проведению спасательных работ.

В целях защите л/с установить следующие режимы поведения;

Сотрудников и работников из очага заражения вывести в безопасные районы \_\_\_\_\_. Прекратить работы цехов до снижения концентрации СДЯВ до допустимых норм. При необходимости укрыть работников в убежище станции метро «Ойбек». С Силами \_\_\_\_\_

Провести разведку очага заражения на территории объекта.

К ведению на территории объекта.

С \_\_\_\_\_ приступить к локализации очага заражения.

К ведению спасательных работ привлечь:

-формирование ГЗ объекта,

-работников,

Командиру звена связи - организовать оповещение о химическом заражении, к \_\_\_\_\_ организовать связь с формированиями, ведущими спасательные работы.

Начальнику МТС организовать обеспечение, транспортировку обеззараживающих веществ с \_\_\_\_\_ и доставку их на объект к «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20 г.

Начальнику ГЗ организовать работу по обеззараживанию в очаге заражения с \_\_\_\_\_

Начальнику медпункт организовать к «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2007 г. Приём пораженных и оказание им врачебной помощи.

Начальнику службы МТС организовать заправку транспорта и техник и развернуть пункты питания для формирований ГЗ.

Донесение представить к «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20 г в последующем через 2 часа,

Мое место нахождение \_\_\_\_\_

**Начальник ГЗ**

**Ф.И.О**

### **Решение**

#### **Начальника ГЗ завода «Авангард» по ликвидации сильного землетрясения**

По данным сейсмслужбы в г. Ташкенте произошло землетрясение силой \_\_\_\_\_ баллов с эпицентром в районе \_\_\_\_\_

В результате землетрясение здание \_\_\_\_\_ цеха сильно разрушено, \_\_\_\_\_ цеха слабо разрушено, здание \_\_\_\_\_ не разрушено. В результате землетрясение возникла пожар \_\_\_\_\_ . Коммуникационные сети : \_\_\_\_\_ имеется \_\_\_\_\_. Потери работников составляет приблизительно \_\_\_\_\_ чел.

В связи с этим решил:

Основные усилия направить на розыск и спасение пострадавших в разрушенных зданиях и их эвакуацию с \_\_\_\_\_ силами \_\_\_\_\_. Произвести разведку с целью установления объёмов разрушений, строений на территории

объекта. С \_\_\_\_\_ силами \_\_\_\_\_  
приступить к спасательным работам и в первую очередь в \_\_\_\_\_.

К ведению спасательных работ привлечь:

- все формирования ГЗ объекта

- всех работников не входящий в состав формирований ГЗ.

**Начальнику штаба** развернуть спасательные работы в разрушенных зданиях, используя силы и средства. При необходимости обращаться за помощью в районный штаб ГЗ и министерства \_\_\_\_\_

Место сбора \_\_\_\_\_ к \_\_\_\_\_.

Маршруты эвакуации пораженных \_\_\_\_\_.

**Начальнику службы материально-технического снабжения** организовать обеспечение техникой.

**Командиру группы охраны общественного порядка**- организовать охрану и патрулирование в местах нахождения материальных ценностей. Не допускать попыток мародерства. Ввести пропускной режим на территорию завода.

**Командиру звено связи** – организовать связь с начальниками формирований, ведущими спасательных работ, привлечённых работниками.

**Зав медпунктом** – организовать круглосуточное дежурство руководящего состава, докладывать об обстановке и организовать взаимодействие с отделом ЧС района, управлением по ЧС города и 2-ым управлением министерства \_\_\_\_\_ (своего)

**Начальнику службы МТС** – развернуть пункт питания для формирований ГЗ, сотрудников. Обеспечить водой. Донесения о выполненных объёмах работ за день представлять мне к \_\_\_\_\_ часам.

Мое место нахождение \_\_\_\_\_, тел: \_\_\_\_\_.

Место нахождение моих заместителей \_\_\_\_\_ тел \_\_\_\_\_

**Начальник ГЗ**

**Ф.И.О**

## КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-Кейс.** Фуқаро муҳофазаси тизимларининг радитсиявий шикастланиш о'чоғ'ига  $t_2=2$  соатдан кейин киргандаги нурланиш дозаси  $D_2=20$  рад/соат бо'либ, бошланг'ич нурланиш дозаси  $D_1 = 40$  рад/соатни ташкил этган. Обектнинг нурланиш дозасини сусайтириш коэффициентси  $K_{сус}=1$  га тенг.

Фуқаро муҳофазаси тизимларининг шикастланиш о‘чоғ‘ида ишчилар учун рухсат этилган вақтни аниқланг?

Ечиш:

$$P_n = \frac{D_1 \cdot K_{sus}}{D_2} = \frac{40 \cdot 1}{20} = 2$$

Енди иловадаги 2-жадвалга қараб, портлатилгандан кейин о‘тган вақт 2 соат ва чиққан натижа 2 эканлигини билиб, то‘ғ‘ри жавобни қо‘ямиз.

**2-Кейс.** Обект да ядровий портлашдан 2 соат кейин нурланиш дозаси о‘лчанади -  $P_2=100$ рад/соат. Ядровий портлашдан бир соат кейин нурланиш дозаси қанча бо‘лганини топинг ?

Ечиш: Иловадаги 1- жадвалдан фойдаланиб, 2 соатга то‘ғ‘ри келадиган қийматини топамиз ва у 2,30 мин.га то‘ғ‘ри келади.

Жавоб: аслаҳа портлагандан 1 соатдан кейинги нурланиш дозаси 230 Р/соат.

**3- Кейс.** Радиациявий авариядан кейин ионлаштирувчи нурланиш 40 рад / соат бо‘либ, 2 соатдан кейин о‘лчанганда 20 рад/соатни ташкил қилди. Шу ҳудудда ҳаракатланувчан ФМ тизимларининг ишлаш учун рухсат этилган вақтни топинг ?

Ечиш:

$$\frac{D_{oxir} \cdot K_{sus}}{D_{oxir}}$$

Келтирилган формуладан фойдаланамиз. Масала шартидаги қийматларни формулага қо‘йсак:

$$\frac{D_{boshl} \cdot K_{sus}}{D_{oxir}} = \frac{40 \cdot 1}{20} = 2$$

Бу эрда:

$D_{охир}$  - шикастланган хууддаги охирги о'лчанган радиатсия даражаси;

$D_{бош}$  - бошланг'ич радиатсия даражаси, рад;

$K_{сус}$  - радиатсияни сусайтириш коэффитсиенти.

Иловадаги 2-жадвалдан фойдаланиб, топилган қийматга то'г'ри келадиган вақт аниқланади. Яни 4 соат 6 дақиқа давомида фуқаролар муҳофазасининг хизматчилари 20 рад/соатли шикастланган хуудда ишларини олиб боришлари мумкин.

**4-Кейс.** Зичлиги  $0,68 \text{ т/м}^3$  бо'лган 100 т аммиакли ҳимояланмаган идиш бузилган. Атрофи очиклик, шамолнинг ерга яқин қисмидаги тезлиги 2 м/с га тенг (инверсия). Кимёвий шикастланиш хуудининг о'лчамини ва юзасини топинг ?

Ечиш. 1. Сууюқ аммиак то'килган хууднинг тахминий юзаси қуйидаги формуладан топилади:

$$S_{ууза} = \frac{G}{\rho \cdot 0,05} = \frac{100}{0,68 \cdot 0,05} = 3000 \text{ м}^2$$

Бу эрда:  $G$  – КТЗМ миқдори, т;

$\rho$  - Аммиак зичлиги,  $\text{т/м}^3$ ;

0,05 – То'килган аммиак қатламининг қалинлиги (то'г'риловчи коэффитсиент).

2. Кимёвий зарарланишнинг чуқурлигини иловадаги 6,7-жадваллардан фойдаланиб, топамиз:

$$Гқ 3 \cdot 5 \cdot 0,6 = 9 \text{ км.}$$

3. Зарарланган кимёвий хууднинг кенглигини топамиз:

Инверсияда-0,03 Г

Изотермияда-0,15 Г

конвексияда-0,8 Г

Хууд кенглиги:  $K = 0,03 \cdot 9 = 0,27 \text{ км.}$

4. Кимёвий зарарланиш ҳудудининг юзасини топамиз:

$$S \text{ худуд} = 1/2G \cdot K = 0,5 \cdot 9 \cdot 0,27 = 1,2 \text{ км}^2$$

**5-Кейс.** 4-Кейс шартин бо'йича аммиакнинг заҳарлаш вақтини топинг?

Аммиакнинг та'сир этувчи вақти иловадаги 8-жадвалдан фойдаланиб, топилади:  $T \text{ заҳарланиш} = 1,2 \cdot 0,7 = 0,84 \text{ соат (50 дақиқа)}$

**6-Кейс.** Кимёвий шикастланиш о'чоғ'ида жойлашган тураржой биносидаги одамларнинг талофатланиш сонини топинг (Бинода 300 та одам яшайди, улар 90 фоиз газниқоб билан та'минланган).

**Ечиш.** Иловадаги 9-жадвалдан фойдаланиб, одамларнинг талофатланиш сони: 9 фоиз (27 киши), шулардан энгил даражада талофатланганлар сони:  $27 \cdot 0,25 = 7$  кишини; о'ртачава оғ'ир даражада  $27 \cdot 0,4 = 11$  киши, о'лим билан яқунланадигани  $27 \cdot 0,35 = 9$  кишини ташкил этади.

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Қутқарувчи** – муайян дастур бўйича қутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республкаси фуқароси.

**Қутқарув хизмати** – фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

**Фуқаро муҳофазаси** - ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларни, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими.

**Фавқулодда вазият** - одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий

ходиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.

**Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш** - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** - олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

**Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** - фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

**Муҳандислик муҳофазаси** - Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилишга, мамлакат иқтисодиётига етадиган зарарни камайтиришга қаратилган фуқаро муҳофазаси муҳандислик техник чора тадбирларининг мажмуасидир.

**Терроризм** – мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол–мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон–бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуроли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қутқаришга, ижтимоий сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар.

**Террорчи** – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.

**Террорчилик гуруҳи** – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи.

**Террорчилик ташкилоти** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви.

**Иқтисод** – инсон фаолиятининг одамлар ўз ихтиёрларидаги кўпинча чекланган русурслардан фойдаланиб, ўз моддий эҳтиёжларини қондирадиган бойликларни яратадиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган соҳа.

**Лицензия** – фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқини, шунингдек кашфиёт ёки бошқа техник ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб қўйилган тартибда бериладиган руҳсат.

**Хавфсизлик** – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда хавф-хатарлардан муҳофазаланганлик ҳолати.

**Шахсий хавфсизлик** – одамлар, уларнинг мол-мулки, соғлиғи ва ҳаётининг яшаш муҳити, шахснинг шахсий сифатлари, у фодаланадиган шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланга муҳофазаланганлик ҳолати.

**Эвакуация** – хавfli жойдан кўчириш, фавқулодда вазиятлар ҳудудидан одамларни пиёда ёки транспорт ёрдамида олиб чиқиб кетиш.

**Ўт ўчиргич** – ёниш зонасига оловни ўчирувчи модда (карбонат кислота, кимёвий ва ҳаво-механик кўриклар, хладон, куқунлар ва ҳ.к.)ни бериш йўли билан ёнғин ўчоғини ўчириш учун кўчма ёки силжийдиган қурилма. Ў.ў.нинг конструкцияси фойдаланиётган модда ва уни сиқиб чиқариш усулига боғлиқ бўлади. Қўл билан ҳаракатга келтирилади.

**Панажой** – яширинувчиларни оммавий қирғин қуроллари, бактерияли воситалар, хавfli ки мёвий моддалар ва иккиламчи шикастловчи омиллардан ҳимоя қилишни таъминловчи, герметик типдаги чуқурлаштирилган иншоот.



**Портлаш** – оқибатида атроф фазода техноген фавқулодда вазият содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келадиган зарб тўлқини ҳосил бўладиган ва тарқаладиган, чекланган ҳажмдаги катта миқдордаги энергиянинг ажралиб чиқиши ҳамроҳлик қилувчи физик ва кимёвий айланишларнинг тез кечувчи жараёни.

**Ёнғин** – одамлар ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш.

**Гаровга ушлаб турилган шахс** – қўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти бошқарув органларини, халқаро ташкилотларни, шунингдек айрим шахсларни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс.

**Ваҳима, саросима** – (юнонча *panikos* – афсоналарга кўра одамлар кўнглига босиб бўлмайдиган даҳшат солган қадимги юнон худоси Пан номидан) – ҳақиқий ёки ҳаёлий хавф таъсирида бошланадиган ва кучли саросима, шароитга ақл билан ва тўғри баҳо бериш ҳамда шароитга қараб мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятининг йўқотилиши билан белгиланадиган алоҳида инсон, одамлар гуруҳи ёки омманинг руҳий ҳолати.

**Зилзила** - Ер ички ҳаракатлари натижасида унинг юзасида пайдо бўладиган тебранма ҳаракат.

**Аҳолини эвакуация қилиш** – эҳтимоли булган ёки юз берган табиий, техноген хусусиятли фавқулодда вазият худудидан аҳолини транспортда (пиёда) олиб чиқиш ва аввалдан тайёрлаб қўйилган ҳавфсиз (фавқулодда вазият таъсири бўлмаган) жойларга вақтинча жойлаштириш тадбирлари мажмуидир.

**Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш** – фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.

**Замонавий шикастловчи воситалар**– ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида қўлланиши натижасида одамлар қурбон бўлиши, чорва моллари ва ўсимликлар нобуд бўлиши, аҳолининг соғлиғи ҳамда атроф табиий муҳитга зарар етиши, саноат объектларининг бузилишига ва вайрон бўлишига, шунингдек иккиламчи шикастловчи омилларнинг келиб чиқишига олиб

келиши мумкин бўлган ёки олиб келадиган ҳарбий қўшинлар таъминотидаги жанговар воситалар.

**Кундалик фаолият режими** – табиий, техноген, экологик хусусиятли ёки ҳарбий тусдаги ташқи ёки ички таҳдидлар бўлмаганда (барқарор ҳарбий-сиёсий, саноат-ишлаб чиқариш, радиацион, кимёвий, биологик, сейсмик ёки гидрометеорологик вазиятда) ўрнатилади.

**Оммавий қирғин қуроли**– катта кўламда шикастлаш имкониятига эга бўлган, оммавий қирғин ва вайронагарчиликларни келтириб чиқаришга мўлжалланган қурол. ОҚҚнинг мавжуд турларига ядровий, кимёвий ва бактериологик (биологик) қуроллар киради.

**Сарик даража**–фавқулодда вазият таҳдиди юзага келганлиги тўғрисида ишончли прогноз олингандан сўнг эълон қилинади.

**Умумий кўчириш** -фавқулодда вазият зонасидан ҳамма тоифа аҳоли олиб чиқилишини назарда тутди.

**Фавқулодда вазият** – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.

**Фавқулодда вазият режими** – табиий, техноген, экологик хусусиятли ёки ҳарбий тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўрнатилади.

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

**Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** – фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси.

**Фуқаро муҳофазаси** – ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларни, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими.

**Фуқаро муҳофазаси хизмати** – фуқаро муҳофазаси махсус тадбирларини бажариш, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини таъминлаш учун

кучлар ва воситаларни тайёрлаш мақсадида тузилган функционал бўлинмалар мажмуи.

**Фуқаро муҳофазаси тузилмалари** – белгиланган фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажариш учун ўз ходимлари ҳисобидан ташкилот томонидан ташкил этиладиган штатдан ташқари тузилмалар.

**Хавфли ишлаб чиқариш объектлари** – ишлаб чиқариш жараёнида фавқулодда вазият содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган кучли таъсир этувчи захарли, радиоактив моддаларни, шунингдек ёнғин- ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларни ишлаб чиқарувчи ва (ёки) ишлатувчи объектлар, гидротехника иншоотлари ва бошқа турдаги объектлар.

**Юқори тайёргарлик режими** – табиий, техноген, экологик хусусиятли ёки ҳарбий тусдаги ташқи ёки ички таҳдидлар юзага келганда ёки кучайганда (ҳарбий-сиёсий, саноат-ишлаб чиқариш, радиацион, кимёвий, биологик, сейсмик ёки гидрометеорологик вазиятлар ёмонлашганда) ўрнатилади.

**Қизғиш даража** – фавқулодда вазият таҳдиди тобора ортиб бораётганда ва уни юзага келишининг олдини олиш чоралари мураккаблашганда жорий этилади.

**Қизил даража** – фавқулодда вазият юзага келишининг олдини олиш имкони йўқлиги ҳақида ахборот олинганда эълон қилинади.

**Қисман кўчириш** – фавқулодда вазият зонасидан меҳнатга лаёқати бўлмаган аҳоли, мактабгача ёшдаги болалар, мактаб, касб-ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари олиб чиқилиши зарур бўлганда ўтказилади.

**Қутқарув тузилмаси** – фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун мўлжалланган, асосини махсус техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар ва бошқа қутқарув воситалари билан таъминланган қутқарувчилар бўлинмалари ташкил этган мустақил тузилма ёки қутқарув хизмати таркибига кирувчи тузилма.

**Қутқарув хизмати** – фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

**Қутқарув воситалари** – қутқарув ишларини олиб бориш мўлжалланган техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулот, шу жумладан махсус алоқа ва бошқарув воситалари, техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар, мол-мулк, қутқарув ишларини бажариш технологиясига доир услубий материаллар, видеоматериаллар, фотоматериаллар, электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, бошқа воситалар.

**Қутқарув ишлари** -фавқулодда вазиятлар зонасида одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлар.

**Ҳимоя иншоотлари** – аҳолини ва ишлаб чиқариш ходимларини замонавий қирғин воситаларидан муҳофаза қилишга махсус мўлжалланган муҳандислик иншоотлари мажмуи.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й)., «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги

( 20.05.2000 й.); «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); қонунлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида» ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида» ги 455- сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув қўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

4. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик (лотин имлосида) -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

5. Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

6. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

7. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков.А., Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г

8. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб. пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий», 2008 г.

9. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido Applications for limate, Meteorology, and Civil Protection. 2011.

10. A. Mark , P. Friend James Fundamentals of Occupational Safety and Health. Bernan Press. Германия, 2007 PP-249-250

11. Christer Pursiainen (ed.) assisted by Per Francke. Early Warning and Civil Protection. NORDREGIO 2008

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонуни.Т., «Шарқ», 20 август 1999.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонуни, 20 август 1999 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни, 26 май, 2000 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни. 2006 йил 28 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 585 сонли Қарори, 09.02.07 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг бошқарув органлари, кучлари ва республика аҳолисини тайёрлаш бўйича 2006 йил учун ташкилий кўрсатма. ФВВ, 2006 й.

7. ФМ муҳандистик-техник тадбирлари (МТТ)нинг Қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМК)-1993й. Тошкент ш.

8. ҚМК 2-01.03-96й. «Зилзилавий зоналарда иморат ва иншоотларнинг қурилиши».

9. ҚМК 2-01.09-97й. «Ўта чўқувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар».

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ва ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 128 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Терроризмга қарши кураш тўғрисида». 15.12.2000 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т.: «Адолат», 1998.

4. Лутовинов В., Морозов Ю. Терроризм – угроза обществу и каждому человеку. – Ж.: ОБЖ. Основы безопасности жизни. - № 9, 2000. С.40-45.

5. Михайлов Л., Губанов В. Безопасность в ЧС социального характера. Терроризм как социально-политическое явление. – Ж.: ОБЖ. Основы безопасности жизни. - № 11, 2006. С.29-35.

6. Моторный И.Д. Защита гражданских объектов от терроризма. Научно-практическое пособие. - М.: Издательский дом Шумиловой И.И. 2005. – 163 с.

7. Перовицкий В. Терроризм – угроза безопасности России. – Ж.: Гражданская защита. - № 11, 2004. – С.59-63.

8. Романченко Ю. Терроризм: нынешнее состояние и проблемы противодействия. – Ж.: ОБЖ. Основы безопасности жизни. - № 4, 2002. С.28-32.

### **Интернет ресурслар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Ахборот-коммуникатсия технологиялари изохли луг'ати, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www.cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)